БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (422)

25 СЕНТЯБРЬ ЯҚШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчевга Урхо Кекконен телеграммаси (1-нчи бет).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-нчи бет).

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Япония парламент делегацияси блан суҳбати (1 ва 2-нчи бетлар).

Япония парламент делегацияси СССРдан жўнаб кетди (2-нчи бет).

С. Маҳкамов, Н. Эгамназаров. — Бекобод ва Боёвут районларида пахта тайёрлаш сур'атини кескин ошириш керак (2-нчи бет).

Халқаро кескинликни янада юмшатиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида В. М. Молотовнинг 1955 йил 23 сентябрьда сўзлаган нутқи (3 ва 4-нчи бетлар).

СОВЕТ ТАНКЧИЛАРИ КУНИ

Бугун бепоён Ватанимиз халқлари шонли совет танкчилари Кунини нишонлайдилар. Ҳар йили бўладиган бу байрам 1946 йилда ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Фармони блан белгиланган эди. Танк ва механизациялашган қўшинларнинг алоҳида муҳим аҳамияти ва уларнинг Улуғ Ватан урушида кўрсатган хизмати, шунингдек, танкозларнинг Қуролли Кучларни бронетанк техникаси блан қуроллантиришлаги хизмати бу Фармонда қайд қилинган эди.

Совет танкчилари Куни бу йил совет халқи коммунизм қуришда янги, ажойиб муваффақиятларга эришаётган, Ватанимизнинг куч-қудрати тобора мустаҳкамланаётган. Совет давлатининг халқаро миқёсдаги мовқи'и ва обрўси янада ошган бир шароитда нишонланмоқда.

Совет Армиямизнинг биринчи автоброне-отрядлари 1918 йилнинг февралидаёқ Псков ва Нарва ёнида герман империалистлари қўшинларига қарши олиб борилган жангларда иштирок этди. В. И. Ленин кўрсатмасига мувофиқ, 1919 йилда Нижний Новгородлаги «Красное Сормово» заводида совет танкларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1920 йил 1 декабрьда танксозлар биринчи танкни ишлаб чиқарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу — гражданлар урушининг оғир шароитларида совет ишчилари инженер-танксозлари эришган катта ғалаба эди.

Мамлакатимиз механоткашлари рус конструктори В. Д. Менделеевнинг 1911 йилда дунёда биринчи бўлиб танк проектини ишлаб чиққанлиги блан ҳақли суратда фахрланадилар. Аммо барча исте'додли ватанпошларимизнинг фан ва техника соҳасидаги жозибдор кашфиётларини бўғиб келган чор самодержавиеси тузими Менделеев ижод қилган танк конструкциясининг рўёбга чиқишига ҳам тўсиқ бўлган эди.

Совет давлати танк техникасини ривожлантиришга катта аҳамият берди. Совет Армиямиз составида тез фурсатда қудратли танк қўшинлари ташкил этилди. Моҳир танкчиларимиз Хасан кўли, Халкин-Гол дарёси бўйида бўлиб ўтган жангларда душманни мажақлаб ташладилар. Жасур танкчиларимиз бошқарган дастлабки жанговар машиналаримиз душманнинг ҳарқандай истеҳкомларини ёриб ўтиб, ўзининг юксак сифатларини намойиш қилди.

Совет Армиясини биринчи даражали танклар блан қуроллантириш блан бирга бронетанк ва механизациялашган қўшинларни ташкил қилишнинг янги формалари вужудга келтирилди, улардан жангда фойдаланишнинг илмий назарияси ишлаб чиқилди.

Улуғ Ватан урушининг ғалаба блан якунланишида танкчиларимиз ҳал қилувчи рольни ўйнадилар. Бронетанк ва механизациялаштирилган қўшилмалар қўшинларимизнинг асосий зарбдор группаси сифатида гитлерчи босқинчилар армиясининг «енгилмаслиги» ҳақидаги афсонани пучга чиқариб, ўзларини шон-шуҳрат блан қопладилар. Сталинград остоналарида душман мудофаасини ёриб ўтиб, немис-фашист қўшинларининг 330 минг кишилик группировкасини қуршаб олишда ва тор-мор этишда танкчиларимиз юксак ҳарбий маҳорат кўрсатдилар. Мисли кўрилмаган ана шу операцияларда қатнашган кўпгина танк ва механизациялаштирилган қўшилмалар гвардиячи деган юксак номни олди. Совет жанговар кучлари томонидан 1944 йилда душманга берилган ўнта қақшатгич зарбанинг ҳарбирида совет танкчиларининг катта ҳиссаси бор. Улар Корсунь-Шевченко районида, Минск ёнида, Ясса-Кишинёв районида, Шарқий Пруссияда, Будапешт ва Берлин ёнида душман қўшинларининг қуршаб олинишги ва мажақлаб ташланишини тезлаштирдилар. Танкчиларимиз биргина Курск ярим доирасида бўлиб ўтган жангларда гитлерчиларнинг 4 600 танки ва ўзиюрар тўпини яксон қилдилар. Совет танкчилари кўрсатган ажойиб қаҳрамонлик Улуғ Ватан уруши йилномасига олтин ҳарфлар блан битилди.

Совет танкчилари урушнинг оғир қийинчиликларини сабот-матонат блан енгидилар. Бронетанк ва механизациялаштирилган қўшинларимиз жуда кўп дар'ёлардан ва бошқа тўсиқлардан ўтиб, душманнинг жуда кўп истеҳкомларини эгалладилар, «фердинанд» ларини, «тигр» ларини, жонли кучларини емириб ташладилар! Танкчиларимизнинг жангларда фидокорлик ва жасурлик кўрсатганликлари Олий Бош Қўмондон Буйруқларида 315 марта қайд этилди.

Совет танкчилари япон империалистларининг Квантун армиясини тор-мор этишда ҳам муҳим роль ўйнадилар.

Ватанимиз танкчиларнинг жанговар хизматларини муносиб тақдирлади. Бронетанк ва механизациялаштирилган қўшинларнинг мингларча жангчилари Совет Иттифоқининг орден ва медальлари блан мукофотландилар, улардан 1142 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Улуғ Ватан уруши даврида гитлерчи фашист босқинчилар ва япон милитаристлари устидан совет халқининг қозонган буюк ғалабаси, Қуролли Кучларимизнинг, унинг жанговар таркибий қисми бўлган танк ва механизациялаштираган қўшилмаларимизнинг ҳам шонли ғалабаси бўлди.

Фашист босқинчиларга қарши курашнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқимизнинг мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнатига раҳбарлик қилиб, ғалабамизни та'минлади. Урушнинг кейинги уч йилида Қуролли Кучларимиз ҳар йили 30 мингдан кўпроқ танк, ўзиюрар артиллерия установкалари ва бронемашиналар олиб турди. Ватанимиз қаҳрамонона меҳнат қилган танксозларнинг хизматини юксак тақдирлаб, 9000 дан ортиқ кишини Совет Иттифоқи ордени ва медальлари блан мукофотлади.

Совет халқининг оламшумул-тарихий ғалабаси Европа ҳамда Осиё халқларини фашизм асоратидан сақлаб қолди. Бу буюк ғалаба натижасида социализм ва демократия кучлари мустаҳкамланди, тинчлик, демократия ва социализмнинг халқаро лагери вужудга келди. Ана шу қудратли лагерьга бошчилик қилаётган Совет Иттифоқи изчиллик блан тинчлик сиёсатини олиб бормоқда, халқаро кескинликни юмшатиш, ўзаро нормал муносабатлар ўрнатиш учун тинмай ҳаракат қилмоқда. Тўрт буюк давлат ҳукумат бошлиқларининг Женева Кенгашида ҳукуматимиз делегацияси амалга оширган позиция бунинг ёрқин мисолидир. Тарихий Женева Кенгаши Совет ҳукуматининг изчил тинчлисеварлик сиёсати туфайли халқаро кескинликни юмшатишда, мамлакатлар ўртасида бир-бирларига ишончни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида олға қараб қўйилган жиддий қадам бўлди. Совет ҳукуматининг ташаббуси блан Москвада Германия Федерал Республикаси ҳукумат делегацияси блан олиб борилган музокаралар натижасида бу икки мамлакат ўртасида нормал дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор берилганлиги Европада ва бутун дунёда хавфсизликни ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига Совет Иттифоқи қўшган муҳим хисса бўлди. Шунингдек, Совет давлатининг сўнгги вақтларда ташқи сиёсат соҳасида амалга оширган бирқанча тадбирлари совет халқининг дунёдаги барча халқлар блан тинч, тотув яшашга интилаётганлигини, унинг тинчликдан ғоят манфаатдор эканлигини кўрсатувчи ёрқин далиллардир.

Биз урушни истамаймиз. Лекин, дунёда бизнинг ютуқларимизни кўраолмаётган, мамлакатимиз бойликларига қора ният блан кўз тикаётган, озод халқимизни асоратга солишни ҳамон ҳаёл қилаётган кучлар мавжуд эканлигини асло унитмаслигимиз керак. Шу сабабли мамлакатимиз мудофаа қудратини тинмай мустаҳкамлаб боришни, Совет Қуролли Кучларининг жанговарлик қобилиятини такомиллаштиришни Коммунистик партия халқимизнинг ғоят муҳим вазифаси деб билади. Қуролли Кучларимизнинг жангчилари, шу жумладан шонли совет танкчилари энг янги ҳарбий техникани, Улуғ Ватан уруши тажрибаларини тинмай ўрганиб, ўз жанговар ва сиёсий тайёргарликларини ошираборишлари, Ватанимизга қарши ҳарқандай тасодифни тезда даф' этиш учун доим шайланиб туришлари зарур. Совет танкчилари тинчлик ва халқаро ҳавфсизлик посбонлари бўлиб келдилар ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоладилар.

Ўз Ватанига, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чексиз содиқ бўлган совет танкчилари ҳарбий қудратни янада мустаҳкамлашдан иборат ўз олдиларида турган муқаддас вазифани шараф блан бажарадилар.

Яшасин Совет Армиясининг қудратли зарбдор кучи—совет танкчилари!

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. ХРУШЧЕВ жаноблариға

Москва

Москвага қилган сафаримиз вақтида Сиз, Биринчи Секретарь жаноблари блан учрашувларимиз ва фикр олишувимиз энг ёқимли воқиаларидан бири бўлди. Сизнинг фин халқининг ҳаётий манфаатларини жуда яхши тушунганлигингиз менда зўр таассурот қолдирди.

Сиз ғоят муваффақиятли тамом бўлган музокараларимизда актив қатнашганлигингиз учун, шунингдек бизнинг халқимизга нисбатан дўстона муносабатда бўлганлигингизни исбот этучи бошқа ҳамма далиллар учун самимий ташаккур изҳор қиламан.

Урхо КЕККОНЕН.

Хельсинки, 20. IX—55 йил.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Уртоқ И. Г. Кэбинни Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Эстония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Г. Кэбин туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати блан ва унинг Совет давлати олдидаги хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Иван Густавович **Кэбин Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1955 йил, 23 сентябрь.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Япония парламент делегацияси блан суҳбати

1955 йил 21 сентябрь

Булганин. Биз Сизларни табриклаймиз ва гапларингизни эшитишга тайёрмиз.

Хрушчев. Сизларнинг келганингизга хурсандмиз. Бу нарса бир-биримизни яхшироқ билиб олишга, бир-бирларимизнинг ниятларимизни яхшироқ билиб олишга имкон беради. Япон халқи блан дўстона муносабатлар ўрнатмоқчимиз деган энг яхши ниятларимиз бор. Совет халқи блан дўстона муносабатлар вужудга келтириш ва бу муносабатларни ривожлантириш япон халқи учун ҳам манфаатли бўлади деб ўйлайман. Бу йўлда катта қийинчиликлар бор. Лекин Сизлар блан бизнинг шу алоқамиз ва Сизларнинг Совет Иттифоқида бўлишингиз яхши муносабатларни йўлга қўйишга ёрдам беради деб ўйламоқ керак. Биз Сизлар айтмоқчи бўлган гапларни эшитамиз. Совет Иттифоқининг япон давлати блан ўзаро муносабатларининг бундан буёнги перспективаларини қандай қилиб кўриб чиқиш тўғрисида биз ҳам ўз мулоҳазаларимизни айтамиз. Илтимос шуки, кўнгилдаги гапни очиқ айтилса.

Булганин. Ким сўз сўрайди?

Китамура. (Делегация раҳбари). Бугун Сизларнинг қабулингизда бўлиш имконияти берилганлиги учун чин қалбдан ташаккур айтишга ижозат берингиз. Биз мамлакатларимиз ўртасида муносабатларни яхшиламоқ учун, дўстона алоқалар ўрнатмоқ учун мумкин бўлган ҳамма нарсани қиламиз деган астойдил ният блан Сизларнинг мамлакатингизга келдик. Биз ҳам, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар бутун дунёда тинчликнинг умумий ишида ғоят муҳим фактор бўлади деб ўйлаймиз. Биз шундай умид блан Сизларнинг мамлакатингизга келдик ва биз бу йўлда бирор натижа чиқариб кетишни истаймиз. Биз Японияда жўнаб кетаётган вақтимизда бутун халқимиз тинчлик учун курашда зўр ғайрат блан қатнашмоқда эди.

Тинчликни мустаҳкамлаш ишида Совет Иттифоқи ўйнаган жуда катта роль ва жумладан яқинда Женевада бўлган учрашувда Бош Министр Булганиннинг актив роль ўйнаганлиги бизга яхши ма'лум.

Кичкина Япониядан келганимиздан кейин Совет Иттифоқи территориясининг жуда катталиги бизда туғилган биринчи таассурот бўлди. Иккинчиси шуки, бу ерда фан, экономика, маданият нақадар гуллаб-яшнаганлигига қаноат ҳосил қилдик.

Бу ерда, Совет Иттифоқида бизнинг саъмимият блан кутиб олинганлигимизни ҳам тинч дўстона муносабатлар ўрнатмоқ учун жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. Биз тинчлик ишини мустаҳкамламоқ учун бутун кучимизни сарф қилишга қаттиқ ният қилганмиз.

Конкрет масалаларга ўтиладиган бўлса, булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, территориал масала, сўнгра иқтисодий масала, жумладан балиқчилик масаласи ва шу масала блан боғлиқ бўлган савдо-сотиқни кенгайтириш масаласи, маданий — алоқа масалалари. Бошқа масалалар ҳам бор. Бизнинг фикримизча, бу масалаларни ҳал қилишга кенг ҳиммат, яқдиллик блан ёндошмоқ ва бу масалаларни саъмимий дўстона вазиятда ҳал этишга ҳаракат қилмоқ керак.

Ҳарбий жиноятчиларни озод қилиш масаласи ҳам бор. Бу японлар кенг оммасининг энг қизғин истагидир. Биз ҳам Бош Министр жаноблардан бу масалада олижаноблик кўрсатишларини илтимос қиламиз. Бу масаланинг ҳал қилиб берилиши Япония парламентининг Сизнинг мамлакатингизга келган 38 кишилик делегацияси учун эсда қоладиган энг яхши совға бўлур эди.

Кеча биз Ивановодаги япон ҳарбий жиноятчилар лагерини бориб кўриш бахтига муяссар бўдик. Агар имкон бўлса Хабаровскдаги лагерьни ҳам бориб кўришни астойдил истар эдик. Биз бунга рухсат беришни жуда илтимос қиламиз ва бунинг учун ғоят миннатдор бўлур эдик.

Правдивда бу ерда бизнинг ҳақимизда қилинган ғамхўрликнинг ҳаммаси учун яна бир марта ташаккур айтишга ижозат берингиз. Энди охирги масала. Сизлар, бугунги суҳбатимизнинг мазмуни матбуотга э'лон қилинишига э'тироз билдирмассиз.

Масару Номидзо. Китамура ўз сўзида айтиб ўтган конкрет масалаларни бироз тўлдиришга ва Булганин жаноблари нинг ҳам, Хрушчев жаноблари нинг ҳам фикрларини эшитсак бўлур эди, деб илтимос қилишга менга ижозат берингиз. Мен территориал масалаларга ҳам, ҳарбий жиноятчилар ҳақидаги, савдо-сотиқ ҳақидаги, балиқчилик ҳақидаги ва маданий-алоқалар ҳақидаги масалаларга ҳам тўхталиб ўтишни истар эдим.

Биз территориал масала жуда мураккаб масала эканлигини яхши биламиз. Бу масала Сан-Франциско шартномаси блан Окинава ороли ҳақидаги масаланинг ҳал этилиши блан боғлиқдир. Лекин биз тўрт буюк давлат бошлиқлари кенгашидан кейин катта ўзгаришлар бўлганлигини биламиз, бу кенгашда Булганин жаноблари ҳам, Хрушчев жаноблари ҳам қатнашдилар. Япон халқи бу масалага жуда катта қизиқиш блан қарали ва воқиаларнинг бундан буёнги ривожланишига катта умидлар боғламоқда. Биз территориал масалани имконият доирасида ҳайриҳоҳлик йўли блан ҳал қилиб берилишини илтимос қилар эдик, токи бу нарса тинчлик кучларининг ривожланиши учун хизмат қиладиган бўлсин.

Ҳарбий жиноятчилар тўғрисидаги масалага келганда мен биринчи галда, 365 киши сақланиб турганлиги тўғрисида ва шунингдек 36 киши озод қилинганлиги ва улар яқинда мамлакатимизга қайтиб борганлиги тўғрисида ахборот э'лон қилинганлиги учун ташаккур билдиришни истар эдим. Ҳарбий жиноятчилар — собиқ ҳарбий асирлар тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши бутун япон халқининг истак ва орзуларига мос бўлиб тушар эди, шунинг учун ҳам биз бу масалани ҳал қилишга кўмак берилишини сўраймиз, бу нарса дўстона муносабатлар ўрнатилишига ёрдам берган бўлур эди.

Биз, Канцлер Аденауэр Совет Иттифоқига келганлиги натижасида герман ҳарбий жиноятчилари тўғрисидаги масала ижобий ҳал этилганлигини эшитик, шунинг учун ҳам биз япон ҳарбий жиноятчилари тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши худди шундай йўлдан бориши мумкин деб умид қиламиз

Савдо-сотиқ масаласига келганда, бизнинг илтимосимиз шундан иборатки, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш тадбирларининг биринчиси тариқасида ўзаро ҳайриҳоҳлик кўрсатиш асосида савдо-сотиқни ривожлантиришни сўраймиз.

Балиқчилик ҳақидаги масалага келганда бу соҳада Япония-Хитой муносабатлари муваффақиятли ҳал қилинди. Энди-ликда балиқчилик блан *боғлиқ бўлган ва Япония-Совет муносабатларида бўлган мураккаб масалаларнинг ҳаммасининг ҳал қилиниши, жумладан, шимолдаги сувларда балиқ овлаш масаласининг ҳал қилиниши жуда мақбул иш бўлур эди.

Биз бу масалани ҳал қилиш юзасидан парламент делегациясининг бу ерда ҳозир бўлган а'золарининг бир қисми киритилгани қолда махсус орган тузиш мумкин бўлур эди, деб ўйлаймиз. Биз маданий алоқаларни, шу жумладан спорт алоқаларини, сан'ат ва шунинг сингари соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга Сизларнинг ёрдам беришингизни ҳам илтимос қиламиз.

Булганин. Қўйилган саволларга ўртоқ Хрушчев жавоб беради.

Хрушчев. Биринчидан мен уруш ҳолатини тугатиш масаласига ва дипломатик муносабатлар ўрнатиш масаласига биз қай тахлитда қараётганлигимизни айтиб тўшишни истар эдим. Биз буни давлатларимиз ҳал қилиши лозим бўлган асосий масала деб ҳисоблаймиз, бизнинг муносабатларимиз шундан бошланиши керак. Аввало уруш ҳолатини тугатиш тўғрисида, ва Совет Иттифоқи блан Япония давлати ўртасида бўлиб ўтган урушларни ва жанжалларни унутиб юбориш тўғрисида гапирмоқ керак. Японияда Совет Иттифоқининг вакили ва Совет Иттифоқида Япон давлатининг вакили бўладиган нормал органлар тузиш керак.

Бу нарса шундай ҳолатни вужудга келтирган бўлур эдики, бизнинг давлатларимиз нормал дипломатик каналлар орқали алоқа қилиб тураоладиган, бизларнинг ўртамизда туғиладиган ҳамма масалалар юзасидан музокаралар олиб борадиган бўлур эдилар. Бизнинг фикримизча, бу нарса шу қадар элементар бир нарсадирки, бу масала устида СССР блан Япония вакиллари ўртасида Лондонда олиб борилаётган музокараларнинг нима учун шу қадар чўзилиб кетганлиги бизни бир мунча таажжублантирмоқда. Бизда, япон томони Совет Иттифоқи блан Япония ўртасидаги мусобатларни нормалаштиришга алоҳида манфаатдорлик кўрсатмаётганга ўхшайди ва шу сабабли музокараларни атайин чўзмоқда деган таассурот туғилмоқда.

Мендан олдин сўзлаган Китамура ва Номидзо жаноблари немис армиясининг ҳарбий жиноятчилари — собиқ ҳарбий асирлар масаласи ҳал қилинганлигини мисол қилиб келтирдилар ва бу масала ижобий ҳал қилинганлигини кўрсатиб ўтдилар. Бу мисол ҳақиқатан ҳам ҳарбий жиноятчилар масаласи ижобий ҳал қилиниши мумкинлигини кўрсатади, Лекин Сизлар немисларга доир масаланинг ҳал қилинганлигини мисол қилиб кўрсатганлигингиз учун мен Сизларнинг э'тиборингизни қуйидаги нарсага жалб қилиб ўтар эдим. Аденауэр жаноблари блан бизнинг музокараларимиз беш кун давом қилди ва биз шу вақт ичида Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келдик, шу иккала давлатнинг пойтахтларида элчихоналар та'сис этиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келдик ва Аденауэр жаноблариға ҳарбий жиноятчилар масаласини кўриб чиқишга сўз бердик.

Аммо, худди шу сингари масалалар устида Совет Иттифоқи блан Япония ўртасидаги музокаралар қарийб тўрт ойдан бери давом қилмоқда ва бу масалаларнинг муҳокамаси ёқимли гаплар айтишлан нарига силжигани йўқ. Вакиллар чой ичиб, ўзаро дўстона суҳбатлашмоқдалар, бир-бирларининг тинчликни истаётганликларини, уруш ҳолатини тугатишни ва дипломатик муносабатлар ўрнатишни истаётганликларини бир-бирларига зўр бериб гапирмоқдалар. Менинг фикримча, бамаслаҳат бир фикрга келмоқ учун тўрт ойлик муддат тўла равишда кифоя қилади. Афтидан музокараларнинг бир жойдан силжимаётганлигига япон томонининг бу масалани тезроқ ҳал қилишда манфаатдорлик кўрсатмаётганлиги сабаб бўлаётганга ўхшайди.

Бизнинг Германия Федерал Республикаси блан муносабатларимиз ҳийла қийинлашиб, ҳатто кескин бўлиб қолган эди. Шу ҳукуматнинг вакиллари блан музокаралар ҳам ҳийла кескинлик блан ўтди, лекин ҳар иккала томон Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришни истар эди, ва шу сабабли ижобий натижаларга эришилди.

Германия Федерал Республикаси ҳукумати блан олиб борилган музокаралардан кейин Германия Демократик Республикаси вакиллари блан ҳам музокаралар олиб бордик. Бу музокаралярнинг натижалари Сизларга матбуотдаги ахборотлардан ма'лум. Лекин мен бунда шуни кўрсатиб ўтмоқчиманки, немис ҳарбий жиноятчиларини озод қилиш масаласини биз илгари ўртоқ Булганин блан Женевадан қайтиб келаётганимизда Берлинда муҳокама қилган эдик. Сизларга ма'лумки, энди бу масала ижобий ҳал қилинди. Ҳозирги вақтда немис ҳарбий жиноятчиларини озод қилиш ва уларнинг яшайдиган жойларига қараб, Германия Демократик Республикасига ва Германия Федерал Республикасига топшириш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, балки Сизлар бизнинг олдимизга қўйган саволни биринчи навбатда Япония ҳукуматининг Совет Иттифоқи вакили блан Лондонда музокаралар олиб бориш учун ваколат берган вакили олдига қўйиш керакдир?

Лондондаги музокараларда ихтилофли бўлган масалалар эса энди етарлик даражада равшан бўлиб қолди, нуқтаи назарлар аниқланди ва энди-ликда шу масалаларни амалий ҳал қилишга ўтиш керак эди.

Япон армиясининг собиқ ҳарбий хизматчилари бўлган ҳарбий жиноятчилар тўғрисидаги масала ҳал қилиб бўлмайдиган масала эмас. Биз шундай деб ҳисоблаймизки, уруш тамом бўлганидан кейин орадан кўп вақт ўтиб кетди ва ўзлари қилган жиноятлари учун ҳукм этилган ҳарбий жиноятчилар жазо муддатининг бир қисмини ўтаб қўйдилар. Ҳозир олижаноблик қилиб, шу кишиларни озод қилиш ва уларни Япония ҳукуматига шу кишилар блан ўз ҳоҳишича муомала қилмоқ учун топшириш мумкин бўлур эди.

Биз бу ишда ўч олиш ҳиссига амал қилаётганимиз йўқ. Биз, давлат арбоблари, асосан ўтмишга асосланиб эмас, балки келажакка асосланиб иш кўришимиз лозим. Бу кишиларни муддатидан олдин озод қилиш уларнинг оилалари ва қариндош-уруғлари учун хурсандлик келтиради бўлур эди. Уларнинг муддатидан олдин озод қилиниши бир-биримизни яхши тушинишга ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам берган бўлур эди.

Биз: СССР блан Япония ўртасидаги уруш ҳолатини тугатиш тўғрисидаги, дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ва ҳарбий жиноятчиларни озод қилиш тўғрисидаги масалаларни бир йўла ҳал қилиш яхшироқ бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

Бу масалаларнинг ҳал қилинишини япон халқи мамнуният блан кутиб олган бўлур эди. Бу ишдан совет кишилари ҳам, қувонган бўлур эдилар. Шу сабабли ҳамма масалаларни бўлак-бўлак қилиб парчаламасдан, уларни биргаликда ҳал қилиш керак. Бу нарса япон-совет халқлари учун яхши совға бўлур эди. Бизнинг нуқтаий назаримиз мана шудир.

Масанобу Цудзи. Мен бир нарсага тўхталиб ўтишни истар эдим. Америка—Англия судларининг ҳукми блан жазо муддатини ўтаётган 439 ҳарбий жиноятчи ҳам шу вақтгача озод қилингани йўқ. Япон ҳукумати ҳам, япон халқи ҳам ҳарбий жиноятчиларнинг қайсилари барвақтроқ озод қилинар экан, деб кутмоқда. Шу сабабли менинг энг қизғин илтимосим шуки, Совет Иттифоқида сақланиб турган ҳарбий жиноятчилар Англия ва Америкадаги ҳарбий жиноятчиларнинг озод қилинишига қараганда олдинроқ озод қилинсалар экан.

Хрушчев. Мен сизларни ишонтириб айтишим мумкинки, Совет Иттифоқида сақланиб турган ҳарбий жиноятчилар АҚШ ва Англия судлари томонидан ҳукм қилинган ҳарбий жиноятчиларнинг озод қилинишига қараганда олдинроқ озод қилинадилар. Бунинг сабаби шуки, Америка ва Англия Япония блан дипломатик муносабатларни 1947 йилда боғлаган эдилар. Аммо биз блан дипломатик муносабатлар ҳали боғланганй йўқ. Шу сабабли Сизларга ва'да бериб айтамизки, уруш ҳолати тугатилиб, нормал дипломатик муносабатлар ўрнатилиши блан қ ҳарбий жиноятчилар озод қилинади. Бинобарин бу нарса дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин энг тез озод қилиш бўлади.

Халқимизнинг психологиясини тушуниб олмоқ керак. Давлатларимиз ўртасидаги уруш ҳолатини тугатилмасдан туриб, сулҳ шартномаси тузилмасдан туриб, дипломатик муносабатлар ўрнатилмасдан туриб, Совет Иттифоқи ҳарбий жиноятчиларни озод қилди деб фараз қилайлик. Бу ҳолда бизнинг халқимиз қандай қилиб шундай қилиш мумкин, айниқса Совет Иттифоқининг ўзи уруш ҳолатини тугатишни таклиф қилиб турган, сулҳ шартномаси тузишни, дипломатик муносабатларни ўрнатишни таклиф қилиб турган бир шароитда қандай қилиб, шундай қилиш мумкин деб айтган бўлур эди. Мен ўйлайманки, буларнинг ҳаммасининг аҳамияти бор. Урушда Совет Иттифоқи ғолиб чиққан бўлсаю, енгилган мамлакат бизнинг таклифимизни қабул қилишни истамаса, демак енгилган мамлакатнинг бизнинг томонга қарши қандайдир ёвуз ниятлари бор экан-да, демак у бизнинг мамлакатимизда сақланиб турган ҳарбий жиноятчиларни озод қилишни сўраётган экан, шу ҳарбий жиноятчиларни бизга қарши фойдаланмоқчи экан-да. Кўриниб турибтики, бунда ҳеч қандай мантиқ йўқ. Япон халқининг истагини қондирмаяпсиз деб бизни айблаб айтилаётган гапларни эшитиш жуда ғалати туйилади. Аксинча, биз япон халқининг истагини ма'қуллаймиз, бу масалани дўстона ҳал қилишни истаймиз, лекин биз Япон ҳукуматининг ҳам шунда қилаётганлигини сезмай турибмиз.

Такрор айтаманки, биз ҳам Сизлар ўз гапингизда мисол қилиб ўтганингиздек Аденауэр жаноблари блан бўлгани сингари Япон вакиллари блан ҳам масалани ҳал қилишга тайёрмиз. Агар Япон ҳукумати Германия Федерал Республикасининг ҳукумати сингари қизиқиш ва истак блан иш кўрадиган бўлса, бу масалани ҳал қилмоқ учун 4—5 кундан ортиқ вақт кетмаган бўлур эди.

Ходзуми. Хрушчев жаноблари айтган гапларнинг ҳаммасини биз жуда яхши тушуниб олдиқ ва Японияга қайтиб борганимиздан кейин буни япон халқига етказишга ҳаракат қиламиз.

Тахара. Австралия ҳукумати ҳарбий жиноятчиларни Японияга қамоқ жойларига юборган эди, эҳтимол ҳарбий жиноятчилар узил-кесил озод қилингунча Австралия ҳукумати сингари иш қилиш мумкин бўлмасмикин.

Хрушчев. Бундай қилиш балки мумкин бўлар. Лекин менинг ҳозиргина айтиб ўтган гапимни э'тиборга олиш керак. Акс ҳолда Япония томони уруш ҳолатини тугатишни, дипломатик муносабатлар ўрнатишни чўзиб юборишга бўлатуриб, мана шу ишлар қилинмасдан олдин ҳарбий жиноятчиларни ўз қўлига ўтказиб олишга уринмоқда, деган фикр тугилади. Ахир, биз япон халқига зарар бўлиб тушадиган қандайдир асло енгиб бўлмайдиган тўсиқлар қўяётирмизми ва шу тўсиқларни енгиш қийинми? Биз фақат уруш ҳолатини тугатиш ва дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келиш зарур деб ҳисоблаймоқдамиз, холос. Бизнинг давлатларимиз яшаб туришти, модомики улар тотув бўлиб яшашни ва ўз муносабатларини тинчлик асосига қуришни истар эканлар, у ҳолда бу масала низо'ли масала бўлмайди. Тегишли ҳужжатларни тузиб уларни имзолаш керак.

Хадзима Танака. Афсуски, Совет Иттифоқи блан Япония ўртасида уруш ҳолатини тўхтатмоқ учун қандай шартлар қўйилишидан биз бехабармиз. Биз бундан бехабармиз. Бу масалага қандайдир равшанлик киритиш яхши бўлур эди.

Хрушчев. Мен ўз гапимда қандай масалаларни қўяётганимизни айтиб ўтдим. Биз уруш ҳолатини тугатиш тўғрисидаги, дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва элчилар айрибошлаш тўғрисидаги масалалардан бошқа ҳеч қандай масалани япон томони олдига қўяётганимиз йўқ. Шу масала ҳал қилинганидан кейин биз япон томонини қизиқтираётган ҳарқандай масалани икки ўртада келишиш асосида кўриб чиқишга тайёрмиз.

Булганин. Яна ким сўз сўрамоқчи?

Делегация а'золари: энди бошқа масалалар қолмади.

Хрушчев. Бу ерда территориал масала қўйилди. Бу масала устидаги позиция жуда аниқ ва равшандирки, бу нарса ма'лум шартномаларда ва ҳужжатларда ёзиб қўйилган. Биз шу позицияларда ҳеч сўзсиз ва қат'ий турибмиз. Биз музокаралар вақтида мана шу ҳужжатларга асосланиб иш кўриш керак, деб ҳисоблар эдик.

Япония томони Лондонлаги музокаралар вақтида Хабомаи ва Сикутана ороллари масаласини қўзғади. Бу масала ҳам мен айтиб ўтган ҳужжатларда ҳал қилинган масаладир. Лекин биз, бу ороллар Япон ороллариға шу қадар яқинки, бунда япон давлатининг манфаатларини ҳисобга олиш ва бизнинг муносабатларимизни дўстона йўлла ривожлантиришни ҳисобга олиш керак деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли бу ороллар масаласига келганда ҳам у томон ҳам бу томоннинг манфаатларини ўзаро тушуниш йўли блан, я'ни агар Япония ҳозирги вақтда Лондонлаги музокараларда муҳокама қилинаётган масалаларни тушунса, бу масалаларнинг ҳал қилиниши мумкин. Бизнинг таклифларимиз япон халқининг ва япон давлатининг суверен ҳуқуқларига асло дахл қилмайди, ҳеч қандай моддий манфаатларни кўзламайди.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Япония парламент делегацияси блан суҳбати

1955 йил 21 сентябрь

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Энди балиқчилик тўғрисида. Балиқчилик масалалари Япония учун нақадар аҳамиятли эканлигини тушунамиз. Лекин мен Сизларнинг э'тиборингизни шу нарсага жалб қилиб ўтмоқчиманки, Сизлар балиқчилик масалаларини фақат япон давлатининг манфаатларини кўзлаб ҳал қилишни таклиф этмоқдасиз ва ўзаро манфаатдорлик принципини асло тан олмаётирсиз. Ахир биз шу қадар одил кишилармизки, бу масала устида ҳам гаплашиб турибмиз. Бизнинг ўрнимизда бошқа давлат блан уруш олиб борган ва урушда енгиб чиққан капиталистик мамлакат бўлганда эди, у музокаралар олиб боришни рад қилиб қўяқолган бўлур эди. Лекин биз жуда сабрли ва саботли халқмиз. Биз ўзимизнинг ҳақли эканлигимизга ишонамиз. Шу сабабли биз яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш истагига амал қилиб, сабр блан қулоқ солиб турибмиз ва бу масалага сабр блан жавоб бермоқдамиз. Биз бу масаланинг ҳал қилиниши япон халқи учун нақадар муҳим эканлигини биламиз. Уруш ҳолатини тугатиш тўғрисидаги ва сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги масалани кечиктириб юбориш—мен очиқ айтишим керакки, япон халқи учун манфаатли бўлиб чиқмайди. Гап шундаки, биз уруш ҳолатининг тугатилишини ва сулҳ шартномаси тузилишини ҳарқанча вақт бўлса ҳам кутиб туришимиз мумкин, чунки бундан бизга деярлик ҳечқандай — на сиёсий, на иқтисодий зарар етмайди. Япон халқи эса катта зарар кўради. Нима учун биз бу масалани ҳал қилишга шу қадар актив ҳаракат қилмоқдамиз деган савол туғилади. Биз бу масалада халқаро кескинликни юмшатиш ва ижтимоий тузуми биздан бошқача бўлган давлатлар блан дўстона тинч-тотув бўлиб яшаш шароитини вужудга келтириш манфаатларини кўзлаб, иш кўрмоқдамиз. Гапимни тамомлаб, шуни такрор айтишим мумкинки, биз уруш ҳолати тугатилиб, сулҳ шартномаси тузилганидан кейин балиқчилик тўғрисида дарҳол музокаралар олиб боришга ва бу масалани япон халқининг манфаатларини ҳисобга олиб кўриб чиқишга тайёрмиз.

Япон парламент делегациясининг раҳбарлари савдо-сотиқ масаласини қўйдилар. Мен бу масалага балиқчилик тўғрисида гапирган вақтимда қисман жавоб бериб ўтдим. Шуни илова қилишим мумкинки, биз ҳамма мамлакатлар блан савдо-сотиқни ҳартомонлама ривожлантириш зарур деб ҳисоблаймиз. Биз Япония блан ҳам савдо-сотиқни ривожлантиришни истар эдик. Япония ўзининг географик ҳолати жиҳатидан Хитойга, Кореяга ва Совет Иттифоқига ҳаммадан кўра яқинроқ туради. Япония экономикасининг структураси шундайки, у Хитой, Корея ва Совет Иттифоқи блан савдо-сотиқни ривожлантириб, ўз эҳтиёжларини жуда яхши қондириши мумкин бўлур эди. Модомики, ҳозир нормал савдо-сотиқ бўлмаётган экан, савдо-сотиқ бошланғич ҳолатда турган экан, бу нарса япон халқи учун манфаатли эмас. Савдо-сотиқ мана шундай даражада турганлигига биз айбли эмасмиз. Аксинча, биз савдо муносабатларимизни бундай ҳолатдан чиқариб олишни истаймиз.

Япониядаги савдо-сотиқ доиралари ва прогрессив кишилар, я'ни савдо-сотиқни ривожлантириш перспективаларини ва бунинг япон халқи учун бўлган фойдаларини тушунаётган кишилар ҳам шу позицияларда турибтилар. Японияда, масалан, кемасозлик ривожланган. Биз катта-катта заказлар беришимиз мумкин эди. Биз Японияга бошқа заказларни ҳам беришимиз мумкин эди. Биз ўз томонимиздан Япониянинг нефтьга, бензинга, кўмирга, ёғочга ва бошқа материалларга бўлган талабини қондиришимиз мумкин эди. Япония бу материалларга муҳтож. Буни япон саноатчилари ва япон халқи тушунади. Броқ, савдо-сотиқ ривожлантирилмаётир ва бундан асосан Япония зарар кўрмоқда. Демак, Япония ҳукуматига та'сир ўтказаётган қандайдир кучлар бор. Япония ҳукумати шу кучларнинг та'сирини енгаолмаётганга ўхшайди ва шу сабабли Совет Иттифоқи, Халқ Хитойи ва Корея блан савдо муносабатларини шундай ҳолатда сақлаб турипти. Сизларнинг ички ишларингизга аралашаяпти деган гаплар чиқишига баҳона бўлмаслиги учун, мен бунинг конкрет сабабларини айтмоқчи эмасман. Парламент депутатлари бу масалани мендан кўра яхшироқ тушунадилар, деб ўйлайман.

Бу ерда Хабаровскдаги ҳарбий жиноятчилар лагерини бориб кўришга ижозат берилса эди, деб илтимос қилинди. Мен ҳозир бу саволга жавоб беришга тайёр эмасман, чунки, ҳарбий жиноятчилар лагерининг турган жойини билмайман. Шу сабабли биз ўртоқ Булганин блан буни Ички Ишлар министрлигидан сўраб билиб олишимиз керак. Биз Сизларга бу масалани ўрганиб чиқишга ва'да берамиз ва агар ҳарбий жиноятчилар Хабаровскда сақланиб турган бўлса Сизларнинг илтимосингизни қондиришга ҳаракат қиламиз. Сизлар қўйган масалаларнинг ҳаммасига жавоб берган бўлсам керак. Бу жавоблар сизларнинг талабларингизни қанчалик қондирганлигини билмайман, лекин мен Сизларга бизнинг позицияларимизни тўғри тушунтиришга ҳаракат қилдим.

Китамура. Хрушчёв жаноблари жуда очиқ кўнгиллик блан гапирдилар ва биз учун бу гапларнинг ҳаммаси тушунарли бўлди. Совет Ҳукумати блан Япония ҳукуматининг вакиллари ўртасида музокаралар давом этиб турганлиги сабабли биз бу ерда конкрет масалаларни имкон борича тилга олмасликка ҳаракат қилдик. Мен фақат бир нарсани айтиб ўтишни истар эдим. Япон халқининг истаги шуки, дипломатик муносабатлар нормаллаштирилишидан ва ўрнатилишидан олдин балиқчилик ва территориал масалалар ҳал қилинса эди. Бизнинг истагимиз шуки, ҳамма масалалар ҳал қилинса эди ва шартнома тузиш вақтида ўз ифодасини топса эди. Музокаралар вақтидаги қийинчилик шундан иборат.

Биз территориал масалада ҳам, савдо-сотиқ масалаларида ҳам Совет Иттифоқининг позициясини яхши тушунамиз. Биз бу ерда хечқандай хулоса чиқаришни истамаймиз. Биз фақат япон халқининг истак ва орзулари тўғрисидагина гапирмоқдамиз. Хрушчёв жаноблари ўз гапида нимани шама қилганлигини ҳаммамиз тушуниб олдик.

Правардида мен маданий алоқалар масаласига тўхталиб ўтишни истар эдим. Менинг фикримча бу масалани алоҳида ажратиш мумкин ва сан'ат ҳамда спорт вакилларини айрибошлаш бир-биримизни тушунишга ёрдам бериши мумкин эди ва Лондондаги музокараларга ижобий та'сир қилган бўлур эди.

Морисима. Китамура жанобларининг айтган ҳамма гаплари Япония ҳукуматининг музокаралар тўғрисидаги позициясини кўрсатиб беради. Лекин Японияда-ги аҳвол Совет Иттифоқидаги аҳволга қараганда бирмунча бошқачароқдир. У ерда бирқанча сиёсий партиялар бор ва Хрушчёв жаноблари айтиб ўтган нуқтаий назарда турган партиялар ҳам бор. Япония социалистик партияси, бутун япон халқи Япония блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг тезроқ изга солинишини истайди деб ҳисоблайди. Социалистик партиянинг бизнинг делегациямиз составида бўлган группаси Японияга қайтиб борганидан кейин ҳукуматга тегишли ахборот беради.

Лекин агар Сиз Хабомая ва Сикотана тўғрисидаги масала Япония учун фойдали тарзда ҳал қилинади деган мазмунда бирор фикр айтсангиз биз учун жуда матлуб бўлур эди, токи биз шундай перспектива бор экан деб умид қилиш имкониятига эга бўлур эдик.

Хрушчёв. Шу мазмунда гапираман. Мана шундай му'табар гувоҳлар олдида айтаяпман.

Морисима. Менинг учун шунинг ўзи жуда кифоя қилади ва мен бу масалада гапни кўпайтиришни истамайман.

Хрушчёв. Китамура жаноблари, Сиз сулҳ шартномаси тузилмаслан ва уруш ҳолати тугатилмасдан олдин балиқчилик масаласининг ва ҳарбий жиноятчилар тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинишини истар эдингизми?

Китамура. Менингча, музокараларда силжиш бўлмаётганлигининг сабаби шу бўлса керакки, япон ҳукумати учун мана шу масалаларнинг ҳаммасини ҳал қилишда кейинчалик қийинчилик туғилиши мумкин. Биз шу масалаларнинг шартнома тузилишидан олдин ҳал этилишини истар эдик.

Хрушчев. Бу принципиал масаладир. Бу масаланинг ҳал этилиши биз учун ша'нимизга тааллуқли масаладир. Биз блан музокаралар олиб бораётган томон фалон хил масалаларни шартнома тузмасдан олдин ҳал қилинсин деб қистайверса, бу нарса талаб қўйиш, ультиматум қўйиш, муайян шарт қўйиш бўлиб қолади; агар буни қабул қилмасангиз урушни тугатиш ва сулҳ тузиш тўғрисидаги шартномани имзоламаймиз, дейиш бўлади.

Биз бундай шартга рози бўлишимиз мумкинми, ахир? Бундай шартларни қабул қилиш бизнинг ша'нимизга тегади. Ахир биз япон давлатининг, япон халқининг обрўйини қандайдир камситадиган ва бу обрўга зарар етказадиган масалаларни қўяётганимиз йўқ-ку. Шу сабабли бизни тушунишингизни ва биз сингари ҳаракат қилишингизни сўраймиз.

Китамура. Мен Сизнинг фикрингизни яхши тушунаман. Лекин мен ҳукумат а'зоси эмасман.

Хрушчев. Мен ҳам ҳукумат а'зоси эмасман. Фақат СССР Олий Советининг депутатиман. Фарқ шундаки, мен гапирган вақтимда Олий Совет депутати сифатида гапираётирман. Мен Министрлар Совети Раисининг нуқтаий назарини ва ўз ҳукуматимнинг нуқтаий назарини билдираётирман, деб ишонаман. Сизларда аҳвол бошқачага ўхшайди. Биз буни ҳисобга оламиз.

Китамура. Ҳа, аҳвол бошқача.

Хрушчев. Энди мен Китамура жанобларини жуда тўғри қўйган масалага — маданий алоқалар тўғрисидаги масалага жавоб бермоқчиман. Биз совет халқининг япон халқи блан маданий алоқаларини ривожлантириш тарафдоримиз. Жамоат ва маданият арбобларининг, артистларнинг, спортчиларнинг делегацияларини юбориш, китоблар, кинофильмлар айрибошлаш, бизнинг илмий муассасаларимиз блан сизларнинг илмий муассасаларингиз ўртасида алоқалар боғлаш, хуллас шу сингари кўпгина йўллар орқали биз халқларимизнинг бахт-саодати йўлида ўз муносабатларимизни ривожлантиришимиз мумкин.

Мен социалистик партия вакили Морисима жанобларининг айтган гапларини қайд қилиб ўтишни истар эдим. Сизнинг нуқтаий назарингиз тўла равишда тушунилди, деб Сиз айтган гап мени қаноатлантирди. Сизларнинг совет кишилари блан бўлган учрашувларингиз, бугунги учрашувимиз ва халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш ва бир-бирларини тушунишлари йўлида бундан буён қилинадиган ишлар тинчлик ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун курашнинг умумий ишига хизмат қилиши мумкин, деб ўйлайман. Лекин бунинг учун расмий тўсиқларни олиб ташламоқ керак. Сизлар блан биз уруш ҳолатида бўлсак ҳам, лекин дўстона суҳбатлашиб турибмиз. Демак, уруш ҳолатида туришимиз ўнйил бундан бурунги сарқитдир. Мана шу расмиятчиликни тугатайлик, сулҳ ўрнатайлик ва ҳаммамиз куч ва ғайрат сарфлаб дўстона муносабатларни мустаҳкамлайлик.

Суҳбатнинг охирида бизнинг япон халқига энг яхши истакларимизни, экономикани, маданиятни ва моддий фаровонликни муваффақиятли ривожлантиришни хоҳлаб билдирган энг яхши истакларимизни ва энг муҳими, шу урушда Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари устида даҳшатли атом бомбалари портлаганида япон халқи бошига тушгани сингари фожиали аҳволни бошдан кечирмайлик, деб жаҳон халқлари кутаётган ва орзу қилаётган энг яхши истакларни япон халқига ҳам истаётганлигимизни топширишингизни сўрайман.

Биз халқларимиз ўртасида тинчлик ва яхши муносабатлар бўлишини, ҳар иккала халқ учун, япон ва совет халқлари учун фойдали бўлган мана шу тинчлик ва яхши муносабатларнинг абадий яшнашини истаймиз.

Булганин. Жаноблар, Сизларнинг саволларингизга ўртоқ Хрушчев берган жавоблардан қаноатландингизми?

Делегация а'золари. Жуда қаноатландик.

Булганин. Ўртоқ Хрушчевнинг тушунтириб берган гаплари Сизларни тўла қаноатлантирганига мен жуда хурсандман. Шунинг учун ҳам хурсандманки, ўртоқ Хрушчевнинг билдираётган ҳамма фикрлари Совет ҳукуматининг нуқтаий назаридир, мен ҳам Министрлар Советининг Раиси сифатида бу ерда ўртоқ Хрушчев айтган гапларнинг ҳаммасига тўла равишда қўшиламан.

Ўртоқ Хрушчев Японияга нисбатан бизнинг позициямизни, Япония блан сулҳ шартномаси тузиш перспективаларига нисбатан бизнинг позициямизни жуда яхши тушунтириб берди.

Сизларнинг бизнинг мамлакатимизга келганлигингиз жуда яхши бўлди. Сизларнинг Совет Иттифоқида бўлишингиз Японияда бизнинг позициямизнинг тўғри тушунилишига ёрдам беради. Биз бу ерда Сизларга шуни айтишимиз мумкинки, Совет Иттифоқи муносабатларимизни нормаллаштиришга ва сулҳ шартномаси тузишга тарафдордир. Бу йўлда жиддий говлар борлиги кўринмайди. Лондонда Мацимота жаноблари блан элчимиз Малик ўртасида ҳали ҳал қилинмай турган ихтилофларни муфассал ўрганиб чиқилса, мен айтишим мумкинки, бу келишмовчиликлар жуда арзимас келишмовчилик эканлиги ма'лум бўлади. Энди гап Япония ҳукуматининг дипломатик муносабатларни нормаллаштириш ва ўрнатиш тўғрисида тезроқ битим тузишни истаганлигида қолди.

Хрушчев. Агар улар буни истамасалар, бу ҳолда биз кутиб турамиз деб, кутиб туришимиз мумкин деб айтамиз.

Булганин. Бу гапга тамомила қўшиламан.

Совет халқи ва Совет ҳукумати номидан япон халқига айтингизки, биз япон халқи блан тинч ва дўст бўлиб яшашни, совет халқи учун ҳам, япон халқи учун ҳам ўзаро манфаатли шартлар блан музокаралар олиб боришни истаймиз.

Сизлар блан учрашиш имкониятидан фойдаланиб, Сизлардан Совет ҳукуматининг ва совет халқининг саломини ва энг яхши истакларини япон халқига етказишингизни сўрайман.

Япония парламент делегацияси СССРдан жўнаб кетди

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Япония парламент делегацияси 22 сентябрьда Москвадан жўнаб кетди. Бу делегацияга Токутаро Китамура ва Масару Номидзо бошчилик қилдилар. Делегация а'золари уч ҳафта мобайнида мамлакатнинг турли ерларига саёҳат қилиб, Ленинградда, Сталинградда, Астраханьда, Украинада, Грузияда, Озарбайжонда бўлдилар. Меҳмонлар бирқанча министрлик ва бошқармаларнинг раҳбарлари блан давомли суҳбат қилдилар, саноат корхоналарига, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига, колхозларга, илмий-текшириш институтларига, музей ва мактабларга бордилар.

Япония ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган Внуково аэродромида Япония парламентининг делегациясини СССР Олий Совети Миллатлар Совети Бюджет комиссиясининг Раиси А. М. Сафронов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Делегация а'золарининг Т. Китамура бошчилигидаги группаси Пекинга, М. Номидзо бошчилигидаги иккинчи группаси Варшавага, учинчи группаси Хельсинкига жўнаб кетди.

А. М. Сафронов СССР Олий Совети номидан, жўнаб кетучиларга оқ йўл тилади ва Япония парламент делегациясининг Совет Иттифоқига келиши ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни кучайтиришга ва Япония блан СССР ўртасида нормал муносабатлар ўрнатишга ёрдам беради, деб ишонч билдирди. А. М. Сафронов сўзининг охирида совет халқи номидан япон халқига самимий салом ва унинг яхши ҳаёт кечириб, гуллаб-яшнашини, тинчлик учун курашда муваффақиятлар қозонишини изҳор қилиб айтилган тилакларни топширишини сўради.

Токутаро Китамура ўзининг жавоб нутқида делегация а'золарига э'тибор берилганлиги ва уларнинг Совет Иттифоқи блан танишишлари учун энг яхши шароит вужудга келтирилганлиги туфайли, қизғин ташаккур изҳор қилди.

Т. Китамура самолётда учиб кетиш олдидан Япония парламент делегациясининг биргаликда чиқарган қуйидаги баёнотини матбуотда э'лон қилиш учун топширди:

«Биз, Совет Иттифоқида уч ҳафта бўлдик ва Совет Иттифоқининг сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаёти блан танишдик.

Биз шу вақт ичида СССР Олий Совети ҳар иккала палатасининг Раислари А. П. Волков ва В. Т. Лацис блан, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев блан ва айрим республикаларнинг бирқанча раҳбар ходимлари блан учрашдик. Сафаримизнинг программаси шу блан тамом бўлди.

Олдимизда турган вазифалар бажарилганлигини хурсандчилик блан қайд қиламиз. Биз ҳаммаерда зўр э'тибор ва меҳрибонлик блан кутиб олиндик. Бизни бунчалик дўстона ва самимий кутиб олган совет ма'мурларидан ва совет халқидан ғоят миннатдормиз.

Биз Москвадан кетатуриб, Япония блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш ва бутун дун'ёда тинчликни та'минлаш учун бутун кучимизни сарф қиламиз, деб айтамиз». (ТАСС).



Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Ўлмас Райимқулов бошлиқ звено а'золари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Звено а'золари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар. Звено бошлиғи ўртоқ Райимқулов эса ҳар куни 100 килограмм дан ошириб пахта термоқда. **Суратда: У. Райимқулов** пахта тераётир.

Х. Хайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
Оҳангарон	2,28	30,70
Пискент	1,91	29,53
Ховос	1,66	25,16
Оржоникидзе	2,08	23,86
Ўртасарой	1,89	21,25
Бўка	1,35	21,09
Мирзачўл	1,52	20,57
Уртачирчиқ	1,52	20,16
Юқоричирчиқ	1,72	19,85
Гулистон	1,46	19,04
Верхне-волинск	1,43	19,00
Янгийўл	1,54	18,40
Сирдар'ё	1,24	18,01
Октябрь	1,41	18,00
Чиноз	1,31	18,00
Оққўрғон	1,27	17,64
Бекобод	1,06	15,52
Калинин	1,24	14,60
Боёвут	1,05	14,02
Қуйинчирчиқ	1,15	10,33

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
1-нчи «Боёвут»	1,15	14,87
2-нчи «Далварзин»	0,63	13,64
«Малик»	1,10	13,39
3-нчи «Далварзин»	1,06	12,26
1-нчи «Далварзин»	0,91	11,79
Сталин номли 16-нчи	0,95	11,58
Сталин номли 17-нчи	0,89	10,37
«ЎзССР бешйиллиги»	1,15	10,33
2-нчи «Боёвут»	0,97	10,12
4-нчи «Боёвут»	0,81	10,09
3-нчи «Боёвут»	0,81	9,22

Бекобод ва Боёвут районларида пахта тайёрлаш сур'атини кескин ошириш керак

Яқинда Боёвут район марказида Бекобод, Ховос ва Боёвут район пахтакорларининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилишга колхоз раислари, МТС ва совхозларнинг директорлари, колхоз ҳамда совхоз партия ташкилотларининг секретарьлари қатнашдилар. Улар ҳар уччала районда ҳам пахта тайёрлаш сур'атини тезлаштириш учун қандай тадбирлар амалга ошириш кераклигини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда шу нарса ма'лум бўлдики, Боёвут ва Бекобод район колхоз ҳамда совхозларида сентябрь ойи учун белгиланган график мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда. Чунки, бу районларда барча ишга яроқли кишиларнинг теримга қатнаштирилишига эришилмаётир. Бекобод районида йиғим-терим бошланишидан олдин тузилган графикда теримга 11 минг 753 киши чиқарилиши мўлжалланган эди. Афсуски, ҳозиргача бу сон 8 мингдан оширилгани йўқ. Райондаги кўпгина колхоз ва совхозларда кишилар ишга тўла қатнашмаётганлиги учун пахта териш ва тайёрлаш топшириғи бирор кун ҳам бажарилмаётир. Ишга чиқаётган колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларига қулай шароит яратиб берилмаганлиги, улар тўғрисида чинакамига ғамхўрлик қилинмаётганлиги сабабли меҳнат унуми ошмаётир. Айрим колхозларда норма 60 килограмм белгиланган бўлса ҳам, кундалик терилган пахта ҳарбир кишига 35 — 40 килограммданга тўғри келади, холос.

Йиғилишда Бекобод район партия комитетининг секретари ўртоқ Эшонхўжаев сўзга чиқиб, районда пахта тайёрлаш сур'атини ошириш учун қандай тадбирлар белгиланаётганлигини тўла айтиб бераолмади. У, умумий гаплар блан чегараланиб, ҳозирги кунларда район колхоз ва совхозларида юз бераётган камчиликларни хаспўшлашга уринди. Ўртоқ Эшонхўжаев: «Ҳали ҳам пахта очилмаяпти», деган баҳонани рўкач қилиб кўрсатди. Ваҳоланки, колхоз ва совхозлар даласида пахта жуда яхши очилиб ётибди.

Бекобод район колхозларида соатли график асосида ишлаш ташкил қилинмаган. Теримчилар этаклари тўлгач, узоқ йўл босиб хирмонга қатнайдилар. Яна шу нарса ачинарлики, бугунги терилган пахта шу куннинг ўзида қуритилиб, пунктга топширилмаётир. Қуритиш ишлари талабга мувофиқ уюштирилмаганлиги учун пахта чўкиб қолмоқда.

Ўртоқ Эшонхўжаев ўз сўзида, «агар бизга Тошкентдан ёрдамчи куч келса, сур'атни анча оширамиз», деди. Лекин у, Бекобод районининг ўзида сур'атни ошириш учун етарли даражада куч бор эканлигини нимагадир э'тироф этмади. Агар ҳарбир колхоз ва совхозда иккинчи даражали ишлар блан шуғулланиб юрган кишилар пахта теримига тўла сафарбар этилса, пахта тайёрлаш графигини ошириб бажариш мумкин.

Бекободлилар йиғим-теримга тушиш олдидан тузган ўз графикларида сентябрь ойи ичида йиллик планнинг 42 проценти миқдорида пахта тайёрлаймиз, деган эдилар. Ҳозир сентябрнинг охирги ўнкунлиги ўтмоқда. Шу кунгача район атиги 15,52 процент миқдорида пахта тайёрлаб, 1953 йилнинг шу кунидагига нисбатан қарийб 5 процент орқада қолмоқда.

Бекобод райони сингари Боёвут районида ҳам аҳвол яхши эмас. Боёвут район совхозлари терим сур'атини мутлақо оширмаётирлар. Райондаги тўрттала Боёвут совхозида бир кунда тайёрланган пахта ҳатто 1 процентга ҳам етмаётир. Боёвут район партия комитетининг секретари ўртоқ Рауфов районлараро йиғилишда сўзлаган нутқида, совхозларимиз бизни орқага тортаяпти, деб тўғри айтди. Совхозларда пахта тайёрлаш сур'атининг пастлигига асосан меҳнатнинг ёмон ташкил қилинганлиги ва ишчиларга қулай шароит яратиб берилмаганлиги сабаб бўлмоқда. 3-нчи Боёвут совхозида бирорта бригадада ҳам теримдаги ишчилар учун иссиқ овқат қилиб берилмаётир. Улар овқатланиш учун уйларига бориб, кўп вақтларини бекорга ўтказмоқдалар. Натижада ҳарбир кишининг бир кунда терган пахтаси 53 килограммдан ошмаётир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари омборларда етарли бўлгани ҳолда совхоз раҳбарлари теримда ишлаётган кишиларга даланинг ўзида иссиқ овқат пишириб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар. Бунинг устига бригадаларда хирмонлар йўқлиги учун ишчилар пахтани рўпара келган жойга ташлаб кетмоқдалар. Оқибатда пахта нам тортиб қолмоқда ва уни қуритиш учун ортиқча кўп вақт сарфланаётир.

Йиғилишда сўзга чиққан 1-нчи Боёвут совхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ Хўжаев дала ишларини кучайтириш учун қандай амалий тадбирлар кўрилаётганлигини ишонарли фактлар блан айтиб бераолмади. Ваҳоланки, бу совхозда ички имкониятлар тўла ишга солинмаётир. Ишчилар учун иссиқ овқат қилиб берилмайди, болалар яслиси ҳамда боқчаларининг ишини яхшилаш тўғрисида совхоз партия ташкилоти мутлақо қайғирмайди. Ишчилар ўртасида оммавий-агитация ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Дала шийпонларида фақат эски газеталаргина топилади, радиоприёмниклар қўйилмаган.

Шу нарса характерлики, 1-нчи ва 2-нчи «Боёвут» совхозларига қўшни бўлган колхозларда ҳар куни бир киши ўртача 80 — 90 килограммдан пахта термоқда. Бу совхозларда эса ҳарбир киши терган пахта аранг 55 — 60 килограммданга тўғри келаётир.

Бекобод районидаги 1-нчи «Далварзин» совхози ҳам жуда орқада қолмоқда. Совхоз директори ўртоқ Хомич йиғилишда сўзга чиқиб, совхоз территориясидаги барча кучларнинг ишга тўла сафарбар этилмаганлигини яширишга уринди. Совхоз раҳбарлари ўз тинчликларини кўзлаб 12 кунгача бўлимлардаги ва совхоз марказидаги телефонни атайин ишлатмай қўйганлар. Ўртоқ Хомич эса шу кунларда далага мутлақо чиқмаган ва ҳақиқий аҳвол блан танишиб, пахта тайёрлаш сур'атини ошириш учун амалий чоралар кўриш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаган.

Бекобод районидаги «Социализм» колхозининг раиси ўртоқ Исобоев колхозни қолоқликдан илғорлар қаторига етказиб олиш учун ба'зибир тадбирлар кўрилаётганлигини айтиб ўтди.

— Биз, — деди у, — ишчи кучлари кам бўлганлиги сабабли ва механизациянинг зўр кучига ишонганимиз учун 300 гектар ердаги пахтани машина блан териб олишга қарор қилдик. Броқ, МТС раҳбарлари бизга ажратилган 14 та машинадан фақат 3 тасини тайёрлаб бердилар. Агар пахта териш машиналари тезроқ ремонт қилинмаса ва колхозга келтирилмаса, чамандек очилиб ётган пахтанинг бир қисми нобуд бўлади.

Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Хўжабеков сўзга чиқиб, колхоз пахтакорлари йиғим-терим сур'атини ошириш учун сўнгги кунларда бирқанча тадбирларни амалга ошираётганликлари ҳақида гапирди. У, бу йил колхоз 610 гектар янги ернинг ҳар гектаридан 12 центнер ўрнига 15 центнердан, 800 гектар эски ернинг ҳар гектаридан эса 35 центнердан ҳосил топширишга қарор берганлигини ва шундай қилиб пландан ташқари 400 тонна пахта топшириш учун астойдил курашаётганлигини айтди.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Э. Ниёзов иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчилари Бекобод, Боёвут ва Ховос районларида пахта тайёрлаш сур'атини кескин оширишга қарор қилдилар.

С. МАҲКАМОВ,
Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Отоқли ёзучи

Ўзбекистон совет ёзучилари союзининг а'зоси, Сталин мукофотининг лауреати, отоқли ёзучи Сергей Петрович Бородиннинг туғилганига бугун, 25 сентябрьда эллик йил тўлади. Сергей Петрович ўзининг йирик прозаик асарлари, кундалик темаларда ёзилган ҳикоя, очерк ва мақолалари блан кенг китобхонлар оммасининг ҳурматига сазовор бўлган йирик ёзучидир.

Сергей Петрович 1951 йилдан буён Тошкентда яшаб, Ўзбекистон совет ёзучилари союзининг ижодий юксалишлари учун яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Уни ёш ёзучиларнинг семинарларида, адабий дискуссия ва муҳокамаларда, республикамизнинг область ва шаҳарларида ўтказилган адабий кечаларда, китобхонлар ўртасида учратиш мумкин. Сергей Петрович ўз билимини, ижодий тажрибасини ёш талантларга ўргатиб, ёзучиларнинг янги авлодларини тарбиялашда зўр иштиёқ блан ишлаб келмоқда.

Сергей Петрович совет китобхонларининг севимли ёзучисидир. Унинг оригинал асарлари ва таржималари кўплаб нашр этилмоқда ва совет адабиётининг олтин фондига қийматли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Унинг ҳаёти, ижодий юксалиши бой ва мазмунлидир.

Сергей Петрович 1905 йил 25 сентябрьда Москвада туғилган. У ёшлик чоғидан бошлаб бадиий адабиёт блан қизиқабошлаган. Унинг дастлабки ҳикоя ва ше'рлари 1915 йилдан бошлаб маҳаллий матбуотларда э'лон қилинабошлайди. Сергей Петрович 1922—1926 йилларда Москвадаги олий бадиий-адабий институтида ўқийди. Бу вақтда фольклор блан қизиқади ва халқ ижодиётини ўрганиш мақсадида ташкил этилган экспедицияларда қатнашади. Узоқ шимолда, Архангельск, Вологда областьларида бўлади. Бу экспедицияларда тўплаган фольклор асарларини кейинчалик тўплаб нашр этади.

Ижод устида самарали ишлаш ва совет ёзучилари, шу жумладан М. Горький асарларини, шунингдек рус ва жаҳон классик адабиётини пухта ўрганиш натижасида Сергей Петрович ўз ижодини такомиллаштириб боради.



Сергей Петрович 1931 йилда ўзининг биринчи китоби — «Сўнгги Бухоро» деган романини э'лон қилади. 1932 йилда «Егепренин» романи, 1934 йилда «Ҳикоялар тўплами» ва болалар ҳақида ёзган асарлари нашр этилади.

Ҳаётни яхши билмасдан туриб ижод қилиш мумкин эмас. Совет кишиларининг ҳаётини, уларнинг кундалик ишларини ўрганиш, Сергей Петровичнинг ягона орзуси бўлиб қолган. Шу мақсадда у, марказий газеталарнинг мухбири сифатида, Карелия, Узоқ Шарқ, Сибирь, Закавказье, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Помирда, шунингдек мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлади. Борган жойларида материаллар тўплаб, газета ва журналларда нашр эттиради.

Бородин 1940 йилларда «Димитрий Донской» тарихий романини ёзиб тамомлайди. Бу йирик асар 1941 йилда э'лон қилинади. 1942 йилда Сергей Петрович Бородин «Дмитрий Донской» романи учун Сталин мукофоти лауреати деган фахрий ном олишга сазовор бўлади.

«Дмитрий Донской» романи 1941 — 1943 йилларда 6 марта нашр этилади. Бу роман Англия, Канада, Дания, Болгария, Чехословакия, Германия демократик республикаси ва бошқа бирқанча мамлакатларда кўплаб нашр этилади.

Сергей Петрович Ўзбекистон халқларининг ўтмиш маданияти блан кўпдан қизиқиб келарди. Шунинг учун у Ўзбекистонга келади ва бу ерда яшаб, халқларимизнинг қадимги маданий алоқалари тўғрисида йирик полотнолар яратиш устида ишлайбошлайди.

1953 — 1954 йилларда «Звезда Востока» журналида Сергей Петровичнинг «Самарқанд кўкидаги юлдузлар» асарининг биринчи китоби э'лон қилинади. Бу асар Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан 1955 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Автор ҳозир китобнинг иккинчи қисми — «Улуғбек» романи устида ишламоқда.

Совет китобхонлари Сергей Петровични йирик таржимон сифатида ҳам биладилар. Сергей Петрович қардош халқлар адабиётининг энг яхши намуналарини рус китобхонларига таништиришда катта хизмат қилиб келмоқда. У, Садриддин Айнийнинг «Қуллар», «Бухоро» (I ва II қисмлари) ва Ойбекнинг «Олтин водидан шабадалар» романларини рус тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Унинг ҳамма таржималарининг тиражи ярим миллион нусхага етади.

Ҳозир Сергей Петрович «Улуғбек» романи устида ишлаш блан бирга, С. Айний ва бошқа йирик ёзучиларнинг асарларини рус тилига таржима қилмоқда. Сергей Петрович совет китобхонларига муносиб асарлар яратиш учун ҳормай-толмай ишламоқда. Совет китобхонлари отоқли ёзучининг эллик ёшга тўлган кунида, унга узоқ умр ва самарали янги ижодий муваффақиятлар тилайдилар.

Халқаро кескинликни янада юмшатиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида 1955 йил 23 сентябрьда
В. М. МОЛОТОВ нутқи

Раис жаноблари, жаноб делегатлар.

Одатдагидек Бош Ассамблея ўз ишини халқаро вазиятга баҳо беришдан бошлайди ва ўзининг навбатдаги вазифаларини белгилайди. Шу муносабат блан СССР делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий принципларига ва мақсадларига мувофиқ унинг асосий вазифаси тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат эканлигига амал қилиб, ўз фикрини айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, барча халқлар ўзларининг куч ва ғайратларини ижодий меҳнатга ва ўз фаровонликларини оширишга бағишламоқ учун, аввало, тинч ва осойишталикда яшашдан манфаатдордирлар. Халқларнинг мана шу нарсага интилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан 10 йил муқаддам барпо этилган вақтда унга асос қилиб олинган эди. Мана шу интилишларнинг ўзи ҳозирги вақтда ҳам халқаро турмушнинг энг чуқур оқимларини белгиламоқда.

I. Ҳозирги аҳволнинг хусусиятлари

Кейинги вақтлардаги воқиалар халқаро вазиятда давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни камайтиришга ёрдам бераётган ўзгаришлар рўй берганлигини кўрсатди. Бу воқиалар шу нарсани та'кидладики, у ёки бу давлатларнинг хавфсизлигини, шунингдек умумий халқаро хавфсизликни ҳам та'минлаш масаласини ҳал этишни давлатларнинг ҳарбий гуруҳларини ташкил этиш ва «совуқ муносабатлар урушини» давом эттириш йўлидан эмас, балки катта ва кичик ҳамма давлатларнинг куч ва ғайратини умумий тинчликни мустаҳкамлашга биргаликда сарф қилиш йўлидан изламоқ керак. Бу хилда сарф қилинадиган куч ва ғайратнинг ҳамма учун муҳимлиги айниқса шунинг учун яққол кўриниб турибтики, иккинчи жаҳон уруши ва шу муносабат блан Европада ва Осиёда рўй берган муҳим социал-сиёсий силжишлар натижасида социалистик типдаги бирқанча давлатлар пайдо бўлди ва социал-иқтисодий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаши масаласи эндиликда янада кўпроқ жиддий аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Шу муносабат блан аввало энг кўп ҳарбий ва моддий ресурслари бўлган ҳамда дун'ёнинг тақдири учун алоҳида жавобгарликни ўз зиммасига олган буюк давлатлар томонидан сарфланадиган тегишли куч ва ғайратларнинг аҳамиятини уқдириб ўтиш зарур.

СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари бошлиқларининг Женевада бўлиб ўтган ва халқаро вазиятга анча та'сир қилган кенгаши кейинги вақтлардаги энг муҳим халқаро воқиа бўлди. Тўрт давлат ҳукуматларининг бошлиқлари 1945 йилдан кейин биринчи марта ўзароқ шахсий алоқа боғладилар ҳамда энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган халқаро бирқанча проблемалар устида фикр олишдилар. Мана шу фактнинг ўзи, тўрт давлат ўртасида кейинги ўн йил мобайнида рўй берган муносабатларнинг характерини ҳисобга олганда, катта аҳамиятга эгадир.

Женева кенгашининг аҳамияти шундаки, бу кенгашда раҳбар давлат арбоблари халқларнинг янги уруш ваҳимасидан озод қилишни учун ўз ҳукуматларининг куч ва ғайратини сарфлашга интилаётганликларини муайян равишда изҳор қилдилар.

Шу муносабат блан Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. А. Булганин Совет Иттифоқининг халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга тинмай интилаётганлигини уқдириб ўтди. У, Совет ҳукумати ҳар қайси давлатда қандай ички тартиблар ўрнатилганлигидан қат'и назар давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшашларига тарафдор бўлиб келди ва тарафдордир, деб айтди. Чунки, ҳарқайси давлатда социал ва иқтисодий система масаласи шу давлат халқининг ички ишидир.

Америка Қўшма Штатларининг президенти Эйзенхауэр жанобларининг нутқларига катта аҳамият берилмоқда. Эйзенхауэр жаноблари ҳам давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳурмат ва ишонч вазияти вужудга келтириш зарурлигини айтди. У, СССР блан АҚШ ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гапириб, ҳар иккала мамлакатнинг халқлари тарихан ҳамиша тотув бўлиб яшаб келганликларини, Америка ва Совет халқлари ўртасида территориал тортишувлар ёки савдо рақобати йўқлигини, америка халқи совет халқининг дўсти бўлишни истаётганлигини қайд қилиб ўтди.

Буюк Британия бош министри Иден жанобларининг сиёсат соҳасидаги тажрибасини ҳаммамиз қадрлаймиз, у ҳам Буюк Британия ҳукумати номидан гапириб, узоқ муддатли тинчлик манфаатлари йўлида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини айтди.

Франция бош министри Фор жаноблари Франция ҳукумати номидан гапириб, у ҳам давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини, «совуқ муносабатлар урушига» хотима бериш кераклигини айтди.

Бу гаплар, СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг Женевада тўпланган давлат арбоблари ҳал этилмаган халқаро проблемаларга, шу жумладан Европа ва Осиёнинг ҳал этилмаган проблемаларига янгича ёндошиш зарурлигини тушунганликларини кўрсатади. Женева кенгашининг мазмуни ва умумий руҳи блан «совуқ муносабатлар уруши»ни давом эттиришни ёқлаб яқиндагина айтилган гаплар ўртасидаги фарқни пайқаб олиш қийин эмас. Давлат арбобларининг тинчликни ёқлаб айтган гаплари, жаҳон халқлари орасида бу гаплар қуруқ сўз бўлиб қолмасин деган янги орзулар ва умидларни туғдирди.

Женева кенгаши шунинг учун ҳам халқлар томонидан шундай катта хурсандчилик блан кутиб олиндики, бу кенгаш СССР, АҚШ, Англия ва Франция ўртасидаги муносабатларда муайян бурилиш бошлаб берди, бу нарса умуман халқаро вазиятга та'сир қилди. Мавжуд қийинчиликларни енгмоқ ва ҳал этилмаган халқаро проблемаларни давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантириш руҳида музокаралар олиб бориш йўли блан бамаслаҳат ҳал қилмоқ йўлларини қидиришга томон бурилиш бўлди. Мутлақо равшандирки, ҳал қилиш пайти келган халқаро проблемаларни у ёки бу гуруҳларни кучайтириш нуқтаи назаридан эмас, балки давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишга қаратилган ва кенг ёйилган интилиш Кенгашда ма'лум даражада ўз та'сирини кўрсатди.

Ма'лумки, Кенгашда ҳукумат бошлиқлари ўртасида фикр алмашилган проблемалар бирданига ҳал қилинганича йўқ, бирданига ҳал қилиниши мумкин эмас эди ҳам, албатта. Бу проблемаларни ҳал қилмоқ учун вақт керак бўлади, чидам ва сабр керак бўлади. Бу хусусда Женева кенгаши қатнашчиларида ҳечқандай хомхаёл бўлгани йўқ. Шунга қарамай, Женевада кенгашнинг ҳамма қатнашчилари куч ва ғайрат сарфлаганликлари натижасида тўрт давлат ташқи ишлар министрларига бирқанча муҳим масалалар бўйича бамаслаҳат директивалар ишлаб қолдирилди. Министрлар ҳукуматларнинг бошлиқлари бошлаган ишни давом эттиришлари ва ҳал этилмаган халқаро проблемаларни тартибга солиш йўлида бундан буён қилинадиган ишга мазкур директиваларни асос қилиб олишлари лозим.

Женева кенгаши тасодифий воқиа эмас. Бу кенгаш кейинги вақтлардаги воқиаларнинг муайян бориши блан тайёрланган эди. Тинчлик ва социал прогресс кучлари мустаҳкамланганлиги учун бу кенгашни ўтказиш мумкин бўлиб қолди.

Женевада бўлган кенгаш тинчлик ишини сақлаб қолиш йўлида тобора кўпроқ қат'ият блан курашаётган, уруш ёғини ва унинг миллион-миллион одамлар учун келтирадиган оғир оқибатлари яна дун'ёни қоплаб олишлигига йўл қўймаслик учун қат'ий ғайрат блан тобора кўпроқ курашаётган халқларнинг онгида рўй берган чуқур ўзгаришларни ўзида акс эттирди. Эндиликда ҳарбир кимсага ҳам ма'лумки, халқларнинг тинчлик учун кейинги йилларда авж олиб кетган кураши умумий тинчликни мустаҳкамлашнинг қудратли факторий бўлиб қолди.

Халқларнинг тинчликка бўлган букилмас иродаси шу нарсада ўз ифодасини топдики, Женева кенгашидан олдин ҳам муҳим воқиалар рўй берган эди ва бу воқиалар халқаро кескинликни юмшатишга ва халқаро вазиятни соғломлаштиришга ёрдам берган эди.

Кореяда ярашбитими тузилганлиги, шунингдек Ҳинди-Хитойда уруш тўхтатилганлиги ва ундаги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқлари э'тироф қилинганлиги мана шу фактларнинг ўзи шу процесснинг етарлик даражада равшан ифодаси бўлди. Гарчи шу фактларнинг ҳаммаси ҳал этилмаган халқаро проблемалар ҳозирги шароитда қолмаганлигини кўрсатмаса ҳам, броқ, бутун дун'ёда ҳақиқатда тинчликнинг тикланганлиги (Ҳинди-Хитойда уруш тамом бўлганидан кейин шундай деб айтиш мумкин) ҳукуматлар бошлиқларининг Женева кенгаши учун қулай негиз бўлди.

Австрия масаласи сингари муҳим масаланинг манфаатдор томонларини қаноатлантирадиган даражада ҳал қилинганлиги халқаро вазиятни яхшиламоқ учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу масалани шу тахлитда ҳал қилиш йўли топилдики, бу йўл Австрия халқининг миллий манфаатларига ҳам, Европа хавфсизлиги манфаатларига ҳам мувофиқ бўлиб тушди. Натижада Австрия давлат суверенитети ва мустақиллик олиб, бошқа давлатларнинг ҳарбий гуруҳларига тортилишдан қутилиб қолди. У доимий бетарафлик сиёсатини ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олди ва, бинобарин эндиликда Австриядан бошқа давлатларнинг қуроли сифатида фойдаланиб бўлмайди. Ма'лумки, Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция Австриянинг бетарафлигини ҳурматлашга рози бўлдилар.

Австрия масаласининг бу тахлитда ҳал қилиниши Европада тинчлик ишига қўшилган жиддий ҳисса бўлди.

Австрия бетарафлик йўлини ўзига танлаб олганлиги ҳозирги замондаги халқаро аҳвол учун зўр ижобий фактдир. Бетарафлик сиёсатини ўтказиш ҳаракати кейинги вақтларда бошқа бирқанча давлатларда ҳам тобора кўпроқ кучаймоқда, бундай давлатларнинг халқлари агрессив ҳарбий блокларда ва коалицияларда қатнашмаслик сиёсатини ўтказишни тобора кўпроқ сабот блан ва қат'ият блан талаб қилмоқдалар. Мана шуни назарда тутиб, Совет Иттифоқи шундай мамлакатларнинг бетарафлигини ҳурматлашга ўзининг тайёр эканлигини айтди. Бошқа давлатлар ҳам тинчликни мустаҳкамлаш мақсадларига мос келадиган мана шундай бетарафлик сиёсатига хайрихоҳлик блан қарайдилар деб кутиш керак.

Шу йил кўкламда Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Югославияга бориши натижасида СССР блан Югославия ўртасидаги муносабатларда вужудга келган бурилиш кескинликни камайтириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Совет-Югославия муносабатларининг СССР ва Югославия халқларининг манфаатларига ва интилишларига, шунингдек Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушадиган тарзда нормаллаштирилганлиги Европадаги бутун вазиятни яхшилаш ишига, давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳиссадир. Ҳозирги вақтда СССР блан Югославия ўртасидаги дўстона муносабатларнинг муваффақиятли равишда ривожланиб бораётганлиги, шу блан бирга, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига ҳам мос бўлиб тушмоқда.

Кескинликни камайтиришга ёрдам берган бошқа муҳим халқаро воқиалар тўғрисида ҳозир гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Совет Иттифоқининг ва бошқа ба'зи давлатларнинг тинчликсевар сиёсати бу воқиаларнинг ривожланишида ижобий аҳамиятга эга бўлганлиги ҳаммага яхши ма'лумдир.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин фақат Европадагина эмас, Осиёда ҳам чуқур ўзгаришлар рўй берди, Африкада ҳам талайгина силжишлар бор.

Аввало, буюк Хитой Халқ Республикасининг барпо қилиниши сингари фактнинг аҳамиятини ҳечким камситаолмаслиги керак. Хитой халқи ўзининг миллий мустақиллиги ва эркинлиги учун асрлардан бери олиб борган кураши натижасида ғалаба қозониб, бунинг оқибатида буюк Хитой Халқ Республикаси вужудга келди. Янги, халқ-демократик Хитойнинг барпо бўлганлиги кейинги вақтлардаги энг катта тарихий воқиадирки, унинг буюк суверен давлат сифатидаги қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари блан ҳаммамиз ҳисоблашмоғимиз лозим. Буюк Хитой халқининг мустаҳкам мададига таянаётган Хитой Халқ Республикасининг барпо бўлганлиги ва мустаҳкамланаётганлиги фақат Осиё ва Узоқ Шарқ районидагина эмас, шу блан бирга бутун дун'ёда ҳам тинчликнинг қудратли факторидир.

Бошқа мамлакатлар блан бирқаторда Япония ҳам тинчликни сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида Узоқ Шарқда муҳим роль ўйнаши мумкин ва лозим. Ҳеч шубҳасиз, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида ҳозирги вақтда Лондонда бўлаётган Совет-Япон музокараларининг муваффақият блан тамомланиши Япония ва Совет Иттифоқи халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушар эди ва Узоқ Шарқдаги аҳволни яхшилашга ёрдам берган бўлур эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Осиё ва Африканинг бир қанча мамлакатлари мустақиллик олдилар. Ҳиндистон, Индонезия, Бирма, Покистон, Цейлон, Непал, Филиппин, Ливан, Сурия, Исроил, Иордания, Ливия ва бошқа шулар сингари мамлакатлар мана шундай мустақиллик олган мамлакатлардир. Шу давлатларнинг ба'зилари ҳозирги вақтда тинчлик учун курашда катта роль ўйнамоқдалар. Шу муносабат блан Осиёнинг энг катта иккинчи давлати бўлган Ҳиндистоннинг ролини алоҳида уқдириб кўрсатиш зарур. Улуғ ҳинд халқи ўз мустақиллиги учун мардларча кураш олиб боришда ўрнак кўрсатибгина қолмасдан, шу блан бирга тинчлик иши учун курашда, бошқа халқлар блан ҳамкорлик қилишда ҳам яхши ўрнак кўрсатди.

Менинг фикримча, мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олган, ўзининг миллий мустақиллигини изчиллик ва мардлик блан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Осиё ва Африка халқларига, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига биз ҳаммамиз шу йўлда ҳарқанча муваффақиятлар тилашимизгина мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бурчи шуки, у ўша мамлакатларга зарур мадад бериши, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, шу давлатларни ўзларининг тор мақсадларини кўзлаётган давлатларнинг ҳарбий гуруҳларга тортиш йўлидаги уринишларга хотима бериши, бошқа давлатларнинг уларнинг ички ишларига аралашувига йўл қўймаслиги лозим.

Совет Иттифоқига келганда, у тинчлик ва прогресс иши учун изчиллик блан курашиб келди ва ҳозир ҳам курашмоқда. Ўзининг миллий мустақиллигини, ўзининг эркинлигини, халқлар ўртасида тинчлик манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқлар ҳамиша Совет Иттифоқининг тўла ва актив хайрихоҳлигига таянишлари мумкин.

Ма'лумки, кейинги йилларда савдо-сотиқни ва бошқа иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга интилиш ҳамда Ғарб блан Шарқ ўртасидаги савдо-сотиқ соҳасида бўлган камситишларни йўқотишга интилиш анча кучайиб кетди.

Турли мамлакатларнинг сиёсий, илмий, савдо-саноат ва жамоат доиралари ўртасида алоқа кенгайди. Давлат арбобларининг бир-бирларининг мамлакатларига бораётганликлари, парламент делегацияларини айирбошланаётганлиги, фан, саноат ва қишлоқ хўжалик соҳаларидаги муваффақиятлар блан ўзаро танишиш авж олаётганлиги, халқаро туризм, сан'ат арбоблари, спорт арбоблари ва бошқа шу сингари арбобларнинг бир-бирларининг мамлакатларига боришлари авж олиб кетганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси турли мамлакатларда қилинаётган ҳамда халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ва ҳамжиҳатликни яхшилашга қаратилган куч ва ғайратларнинг муҳим ифодасидир.

Шу нарса шоён диққатдирки, бу делегациялар Совет Иттифоқи, Қўшма Штатлар, Хитой, Буюк Британия, Польша, Миср, Швеция, Австрия ва бошқа мамлакатларнинг аҳолиси томонидан катта самимият ва хурсандчилик блан қабул қилинмоқда. Биз, совет кишилари, буни халқларнинг давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга, тинчликни мустаҳкамлашга қизғин истак билдираётганликларининг ифодасидир, деб биламиз.

СССР Олий Советининг шу йил 9 февральда қабул қилинган ва парламент делегацияларини айирбошлаш йўли блан парламентлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатишга да'ват қилган декларацияси ижобий роль ўйнагандигини ҳам айтиб ўтишни истар эдим. Бундай алоқалар ўрнатиш халқларнинг тинч ҳамкорлик қилиш йўлидаги қизғин интилишига мос бўлиб тушмоқда. Совет парламентининг бу чақириғи кенг равишда ма'қулланганлигини мамнуният блан қайд қилмоқдамиз, буни шу факт ҳам кўрсатиб турибтики, кўпгина мамлакатлар парламентларининг делегациялари бу йил Совет Иттифоқига келиб кетдилар. Турли мамлакатларнинг парламент а'золари ўртасида бу хилда алоқа бўлиб туриши, ўз навбатида, Шарқ блан Ғарб ўртасида, Женева кенгаши да'ват қилганидек, алоқаларнинг ривожланишига ёрдам беради.

СССР Олий Советининг февраль Декларацияси совет парламентининг дун'ёдаги ҳамма парламентларга қилган мурожаатидир. Бу мурожаат СССР блан дипломатик муносабатлари бўлган мамлакатларгагина қаратилган мурожаат бўлиб қолмасдан, шу блан бирга бошқа давлатларга ҳам қаратилган мурожаатдир. Муайян ҳолларда парламентлар ўртасида алоқалар ўрнатилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни зарур даражада тартибга солишга ҳам ёрдам берган бўлур эди.

Кўпгина давлатларда атом энергиясидан фойдаланиш блан боғлиқ бўлган ишлар яқингача сир қилиниб сақланмоқда эди. Бунда ҳам давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган ишончсизлик ўз ифодасини топган эди. Шуни айтмоқ керакки, эндиликда аҳвол жуда ўзгариб кетди, буни атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланиб, шу йил август ойида Женевада бўлиб ўтган халқаро илмий конференция кўрсатиб турибти. Биз Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг бу конференцияни чақиришдаги ташаббусини мамнуният блан қайд қилишимиз керак. Ма'лумки, совет олимлари бу конференцияда жуда актив қатнашдилар, Совет Иттифоқида атом энергиясидан техника, биология, медицина, қишлоқ хўжалиги соҳаларида фойдаланиш йўлида эришилган тажрибаларни ёритиб берадиган юздан кўпроқ докладни конференцияга тақдим этдилар.

Совет олимлари СССРда қурилган жаҳонда биринчи атом электростанциясининг иш тажрибалари тўғрисида ҳам доклад тақдим этдилар, Чет мамлакатлардан келган кўпгина вакиллар шу электростанцияга бориб, унинг иши блан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳеч шубҳасиз, олимларнинг Женевадаги конференцияси атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш ишига катта ҳисса қўшди. Совет Иттифоқи ҳам атом энергиясидан тинч мақсадларда янада кенгроқ фойдаланиш ишида бошқа мамлакатлар блан ҳамкорлик қилишни тобора кўпроқ ривожлантириш ниятидадир. Бизнинг яна бир истагимиз шуки, мазкур конференция бошлаб берган иш фақат атом энергияси соҳасидагина эмас, балки фан ва техниканинг бошқа соҳаларида ҳам барча мамлакатлар олимларининг шу хилдаги кенгашларини мунтазам равишда — имкон бўлса, ҳар йил — ўтказиб туриш йўли блан давом эттирилиши лозим.

Шундай қилиб, кейинги вақтлардаги бирқанча воқиалар ва айниқса, ҳукуматлар бошлиқларининг Женевадаги кенгаши вазиятда рўй бераётган жиддий ўзгаришларни акс эттирди. Бу нарса қийинчиликлар орқада қолиб кетганлигини кўрсатмайди. Ҳали биз олға томон боришда йўлимизда учрайдиган бир талай нотўғри фикрларни ва ғовларни енгишимиз керак бўлади. Масалан, ҳали ҳам «сателлитлар» деган сўзни такрорламоқдалар. Лекин бу сўзни Шарқий Европа халқлари тўғрисида гапирмоқчи бўлганларида ўзларига озат бўлиб қолган тушунчаларни бу нарса мутлақо татбиқ қилиниб бўлмайдиган мамлакатларга тўғридан-тўғри тақиб қўядилар. Бу мамлакатлар бошқа давлатлар блан ўзларининг муносабатларини миллий суверенитет ва халқлар ўртасида дўстлик принципларига риоя қилиш асосидагина чинакам ривожлантиришлари мумкинлигини амалда исбот қилдилар.

Биз одамларнинг ўз эртаги кунлари учун хотиржам бўлишларини та'минлайдиган шароит вужудга келтирмоқ учун енг шимариб курашмоғимиз лозим. Тинчлик учун курашда сарф қилинадиган куч ва ғайратларнинг муваффақиятли бўлиб чиқиши мана шу имкониятлардан қанчалик фойдаланилишига ва у ёки бу ҳарбий гуруҳларни вужудга келтиришга эмас, балки ҳал этилмаётган мавжуд халқаро масалаларни ҳал қилишга амалда қанчалик э'тибор берилишига боғлиқдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўз олдига қўйган олижаноб мақсадларини рўёбга чиқариши — жаҳон халқлари учун чинакам хавфсизликни та'минлаши ҳам шунга боғлиқдир.

II. Зўр бериб қуролланишни тўхтатиш асосий вазифадир

Зўр бериб қуролланишни тўхтатишни ҳозирги шароитда асосий вазифа деб ҳисобламоқ керак.

Ма'лумки, зўр бериб қуролланиш, айниқса кейинги йиллар мобайнида мисли кўрилмаган даражага етди. Оддий қурол-яроғлар деб аталган қурол-яроғларнинг сони тўхтовсиз кўпаймоқда. Ишлаб чиқарилаётган, яна бунинг устига тобора кўпроқ вайрон қилиш кучига эга бўлиб бораётган ва тобора кўпроқ хатарли бўлиб қолаётган атом ва водород қуролларининг сони ҳам кўпайиб бормоқда. Давлатларнинг ҳарбий харажатлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетди, бунинг бутун оғирлиги меҳнаткаш халқнинг устига, ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар майда мулкдорларнинг устига тушмоқда. Жуда кўп моддий воситалардан, шунингдек одам кучларидан унумли мақсадлар учун, халқларнинг фаровонлигини ошириш учун, иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга ва районларга зарур ёрдам бериш учун фойдаланиш ўрнига, урушга тайёргарлик учун фойдаланилмоқда.

Бундай аҳвол давом эттирилиши мумкин эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти зўр бериб қуролланишга қарши, қурол-яроғларни камайтиришни, атом ва водород қуролини тақиқлашни, янги уруш хавфини йўқотишни талаб қилиб, ўзининг қат'ий сўзини айтиши зарур.

«Қурол-яроғларни камайтириш, атом қуролини тақиқлаш ва янги уруш хавфини йўқотиш масалалари юзасидан Совет ҳукуматининг таклифи» мана шу мақсадларга жавоб беради. Бу тўғридаги таклифлар проекти Совет ҳукумати томонидан 10 майда қуролсизланиш комиссиясига тақдим қилинган эди. Совет Иттифоқининг бу таклифлари тексти бугун Бош Ассамблеянинг ҳамма қатнашчиларига тарқатилди.

Қуролсизланиш комиссиясига тақдим этилган янги совет таклифлари кескинликни юмшатишга, давлатлар ўртасида ишонч ўрнатишга, «совуқ муносабатлар уруши»ни тўхтатишга қаратилган тадбирларнинг конкрет программасини ўз ичига олади. Бу таклифларда уруш пропагандасини тўхтатиш зарурлиги айтилган. Бош Ассамблея бундан бирнеча йил муқаддам қабул қилган қарорида ҳам уруш пропагандасини тўхтатиш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. Шу қарорни бажаришга ҳаракат қилиш керак. Совет таклифларида ўзга мамлакатлар территориясидаги четэл ҳарбий базаларини тугатиш тўғрисида битимга келиш зарурлиги ҳам айтилган. Гарчи тегишли тадбирларни аста-секин ўтказишга мўлжалланган бўлса ҳам, шундай битимга келмасдан туриб, давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган ишончсизликни чинакам йўқотиб бўлмайди. Мутлақо табиийки, мазкур таклифларда, шу блан бирга халқаро савдо-сотиқни ривожлантиришга, шунингдек маданий алоқалар, делегациялар айирбошлаш ва бошқа соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган ҳархил камситишларни йўқотиш зарурлиги айтилган. Сизларга ма'лумки, ҳозирги вақтда бу масалаларга ҳамма жуда катта аҳамият бермоқда. СССРнинг мазкур таклифларида Германия проблемасини ҳал қилишни тезлатишга ва Узоқ Шарқдаги ҳал этилмаган масалаларни бартараф қилишга ёрдам бериш мақсадини кўзловчи конкрет истаклар ҳам айтилган.

Қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисида халқаро конвенция тузмоқ учун база бўлиши мумкин бўлган асосий принциплар совет таклифларида энг катта ўрин олади.

Қурол-яроғларни камайтириш ҳамда атом ва водород қуролларини тақиқлаш тўғрисидаги янги совет таклифлари қуролсизланиш масаласида СССР блан ғарб давлатларининг позицияларини янада яқинлаштириш йўлида олға томон қўйилган катта қадамдир. Шуни айтиш керакки, совет таклифларида бирқанча муҳим масалалар юзасидан ғарб давлатларининг қуролсизланиш комиссиясига илгари тақдим қилган мулоҳазалари ҳисобга олинган.

Совет ҳукумати беш давлат учун, я'ни Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Хитой Халқ Республикаси учун қуролли кучлар даражасини 1 миллион кишидан 1,5 миллион кишигача қилиб, Франция ва Буюк Британия учун 650 минг кишидан қилиб белгилаш сингари масалада ғарб мамлакатлари ҳукуматларининг таклифини қабул қилди. Бу тўғрида битимга келиш ҳарбий харажатларни жуда кўп миқдорда камайтирган бўлур ва зўр бериб қуролланишни тўхтатиш йўлида қўйилган катта қадам бўлур эди.

Совет Иттифоқи беш давлатнинг қуролли кучлари учун Англия, Франция, ва АҚШ таклиф қилган чекли даражани белгилашга рози бўлганлиги шундай бир фактдирки, бу факт атом қуроли ғарб давлатларининг оддий қурол-яроғлар соҳасида «кейинда қолганлигининг» ўрнини тўлдиради ва атом қуроли Ғарб блан Шарқ ўртасида қурол-яроғлар соҳасидаги «мувозанатни» сақлаш воситасидир, деган баҳона блан атом қуролини тақиқлашга қарши илгари айтилиб келинган э'тирозларни ҳарқандай асослардан маҳрум қилади. Қуролли кучларнинг даражаси тўғрисида СССР томонидан қилинган таклиф бу масалада Ғарб давлатларининг позициясини тўла равишда ҳисобга олади ва улар ҳам атом қуроли масаласида битимга келишга имкон берадиган позиция тутадилар, деб умид қилишга асос беради.

Совет Иттифоқи ядро қуролини қўллашни тўла равишда тақиқлашни ва ядро қуролини давлатларнинг қурол-яроғларидан чиқариб ташлашни амалга ошириш вақти тўғрисида Англия—Франция томонидан қилинган таклифни ҳам ҳисобга олди. СССР таклифида ҳам, Англия—Франция таклифида ҳам атом ва водород қуролини тўла равишда тақиқлаш оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучлар, уларни камайтириш учун белгиланган умумий миқдорнинг 75 процентини миқдорида камайтирилгандан кейин кучга кириши кўзда тутилади. Бу қуролни давлатларнинг қурол-яроғларидан чиқариб ташлаш ва йўқ қилиб ташлаш эса оддий қурол-яроғларни битимда кўзда тутилган миқдорнинг қолган 25 процентини камайтириш блан бир вақтда амалга оширилиши лозим. Совет Иттифоқи қуролсизланиш тадбирларининг амалга оширилиши устидан контрольликни ташкил этишга катта аҳамият бериб, ўзининг таклифларида контроль органларига кенг ҳуқуқлар ва ваколатлар беришни кўзда тутади. Тегишли давлатлар бирбирлари блан келишганлари ҳолда, шу давлатларнинг темир йўл узелларида ва автомагистральларида, аэродромларида ва катта денгиз портларида контроль постлари ўрнатиш тўғрисидаги совет таклифи самарали контроль ўрнатмоқ учун зарур шароит вужудга келтиради ва бу таклиф бир давлатнинг иккинчи давлатга тўсатдан қиладиган ҳужумига йўл қўймаслик учун айниқса муҳимдир. Ҳаммага ма'лумки, ҳозирги замон уруши қуруқликдаги кучларни, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини жуда кўп миқдорда тўплашни ва ишга солишни талаб қилади. Халқаро контрольлик органига бўйсундирилган контроль постлари ўрнатиш тўғрисидаги таклиф ҳарбий кучларнинг мана шундай тўпланиши тўғрисида хабар бериб туришнинг зарур тадбирларини кўзда тутади ва тўсатдан бўладиган ҳужумнинг олдини олиш имкониятини туғдиради. Қуролли кучларнинг келтирилиши ва тўпланишини кузатиб турмоқ учун темир йўлларда, автомагистральларда, аэродромларда ва денгиз портларида контроль постлари вужудга келтирилиши давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга катта ижобий та'сир ўтказган бўлур эди ва, бу блан, халқаро кескинликни камайтиришга ёрдам берган бўлур эди.

СССРнинг 10 майдаги таклифи, шундай қилиб, қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш устидан халқаро контроль ўрнатишдек жуда мураккаб проблемани ҳал қилмоқ учун йўл очади.

Шу блан бирга, Совет ҳукумати бу муҳим масала устида бўладиган бошқа таклифларни ҳам жуда э'тибор бериб ўрганишга ўзининг тайёр эканлигини билдирди.

Шу муносабат блан президент Эйзенхауэрнинг ҳарбий информацияларни айирбошлаш ва аэрофотос'ёмкалар ўтказиш тўғрисида Женева кенгашида қилган ма'лум таклифига тўхталиб ўтиш зарур. Президент жаноблари томонидан тақдим қилинган таклифларнинг муҳимлигини э'тироф қилиш керак. Бу таклифларда халқаро контроль ва инспекция сингари муҳим проблемани ҳал қилишга чин кўнгилдан ёрдамлашиш истаги борлигини кўриб турибмиз. Мазкур таклифни ва унинг айрим жиҳатларини мана шу позицияларга таяниб ўрганмоқдамиз. Табиий, бизни бу таклиф қурол-яроғларни камайтиришга ва атом қуролини тақиқлаш масаласини ҳал қилишга қанчалик ёрдам бериши мумкин деган масала, я'ни бу таклиф асосий вазифани бажаришга — зўр бериб қуролланишни тўхтатишга ва ҳарбий бюджетлар ҳамда ҳархил ҳарбий тайёргарликлар ҳаддан ташқари кўпайтириб юборилганлиги натижасида аҳолининг устига тушаётган оғир юкни енгиллаштиришга қай даражада ёрдам бериши мумкин деган масала қизиқтиради. Шу нарса мутлақо равшандирки, халқлар қуролсизланиш проблемаси муҳокама қилинганида, бу муҳокамалардан тинчликни мустаҳкамлашга, янги уруш хавфини йўқотишга ва зўр бериб қуролланиш натижасида аҳолининг устига тушаётган моддий қийинчиликларни енгиллаштиришга ёрдам берадиган натижалар келиб чиқишини кутмоқдалар. Шу муносабат блан АҚШ делегацияси бошлиғининг кечаги нутқини четлаб ўтиш ярамайди. У «қуролланишни чеклаб қўйиш, ҳақиқатда, эришиб бўлмайдиган бир нарсадир» деб айтди. Бу гап Бош Ассамблея томонидан тузилган қуролсизланиш комиссиясининг ишини беҳуда иш қилиб қўяди.

Женева кенгашида Франция бош министри Фор жаноблари ҳарбий бюджетларни камайтириш ва ҳарбий бюджетларнинг тежалишидан ҳосил бўлган маблағлардан иқтисодий кам тараққий қилган мамлакатларга ёрдам бермоқ учун махсус фонд тузиш тўғрисида таклиф киритган эди. Совет ҳукумати бу таклифни лозим бўлган даражада э'тибор бериб кўриб чиқмоқда. Бизнинг назаримизда, ҳарбий бюджетларни камайтириш натижасида ҳосил бўладиган маблағлардан тегишли давлатлар халқларининг устидаги солиқ юкларини енгиллаштирмоқ учун ҳам, шунингдек иқтисодий кам тараққий қилган мамлакатларга ёрдам кўрсатмоқ учун ҳам фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Совет ҳукумати, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ва қурол-яроғларни камайтириш йўлида давлатлар томонидан қўйиладиган ҳарқандай қадам халқаро кескинликни янада юмшатиш учун ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш учун катта ижобий аҳамиятга эга бўлишини э'тиборга олиб, Совет қуролли кучларининг сонини 1955 йил 15 декабрьгача 640 минг киши миқдорида камайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу тадбир истак ва проект эмас, балки қурол-яроғларни ва қуролли кучларни анча камайтириш вазифаларининг Совет Иттифоқига тааллуқли қисмини амалда рўёбга чиқарабошлашнинг ўзгинасидир.

Совет делегацияси анчагина қуролли кучлари бўлган бошқа давлатлар ҳам, ўз навбатида, яхши ниятни амалга оширадиган иш тарикасида, тегишли халқаро конвенция тузиш тўғрисида битимга келишни кутиб турмасдан, ўз қуролли кучларини камайтириш йўлида шундай тадбирлар кўрадилар, деб умид қилади.

Шу нарса ҳам ҳаммага ма'лумки, ўзга мамлакатларнинг территориясида ҳарбий базалар бўлиши халқаро кескинликнинг асосий сабабларидан биридир.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, яқин вақтгача унинг ўз чегараларидан ташқарида фақат иккита ҳарбий базаси бор эди. Шу базаларнинг бири Узоқ Шарқда, Порт-Артурда бўлиб, Совет Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси бу ҳарбий базани биргаликда идора қилмоқда эди. Совет Иттифоқининг ташаббуси блан, ўтган йилнинг охирида мана шу биргаликда идора қилинаётган совет-хитой ҳарбий базасини Хитой Халқ Республикасининг ихтиёрига тўла равишда топшириш тўғрисида СССР блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида битим тузилди. Бу битим 1955 йил кўкламида бажарилди. Энди Узоқ Шарқда Совет Иттифоқининг ўз территориясидан ташқарида битта ҳам ҳарбий базаси йўқ.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Халқаро кескинликни янада юмшатиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида 1955 йил 23 сентябрьда

В. М. МОЛОТОВ нутқи

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқининг иккинчи ҳарбий базаси Финляндия территориясидаги Порккала-Удд районида эди. Бу ҳарбий база 1947 йилда кучга кирган сулҳ шартномасига мувофиқ, 50 йиллик муддат билан барпо қилинган эди. Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида СССРнинг ташаббуси билан яқиндагина тузилган битимга кўра, бу совет ҳарбий базаси ҳам яқин фурсатда тугатилади. 1956 йил 1 январьгача бутун совет ҳарбий қисмлари Порккала-Удд территориясидан олиб чиқиб кетилади ва бу территория тўла равишда Финляндия ихтиёрига ўтади.

Шундай қилиб, тегишли шартномаларга кўра, Совет Иттифоқининг ўз чегараларидан ташқари жойда бўлган иккита ҳарбий базасидан бири бундан бирнеча ой муқаддам тугатилди, иккинчиси ва охиргиси эса шу йил мобайнида тугатилади. СССРнинг бошқа давлатлар территориясида битта ҳам ҳарбий базаси бўлмайди. Совет ҳукумати халқаро муносабатларни янада яхшилаш ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш мақсадида мана шу тадбирларни кўрди.

Бу соҳада Совет ҳукумати сўздан ишга ўтди. Бу нарса бизга бошқа давлатларнинг ҳукуматларига, ва айниқса ўзга мамлакатларнинг территориясида жуда кўп ҳарбий базалари бўлган давлатларнинг ҳукуматларига, сизлар ҳам шу ҳарбий базаларни тугатиш йўлига киринглар, деб мурожаат қилишимиз учун имкон беради. Шу нарсага шак-шубҳа бўлиши мумкин эмаски, бу нарса зўр бериб қуролланишни тўхтатиш масалаларига, давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ва «совуқ муносабатлар уруши»ни тўхтатиш мақсадларига энг кўп даражада мос бўлиб тушарди.

III. Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ва умумий тинчликни та'минлаш

Совет ҳукумати умумий тинчликни сақлаш манфаатларига амал қилиб, Европада хавфсизликни та'минлашга катта аҳамият бериб келди ва катта аҳамият бермоқда. Тарих тажрибаси энг кўп вайронгарчилик келтирган урушлар, шу жумладан биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари Европада бошланганлигини кўрсатади. Демак, Европада тинчликни та'минлаш умумий тинчликни сақлаш учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлур эди.

Шунинг учун ҳам Совет ҳукумати Европада хавфсизликнинг самарали системасини вужудга келтириш зарурлиги тўғрисидаги масалани кўтарди ва тегишли таклифни манфаатлар давлатлар муҳокамасига қўйди. Бу таклиф Европада барча Европа давлатларининг, улардаги ижтимоий ва давлат тузумининг турлича бўлишидан қат'и назар, биргаликда ҳаракат қилишларига асосланган коллектив хавфсизлик системасини Америка Қўшма Штатлари иштирок қилгани ҳолда вужудга келтиришни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи Европада хавфсизликни та'минлашга қаратилган бошқа таклифларни ҳам қараб чиқишга тайёрдир, албатта

Совет ҳукумати бу масала юзасидан зарур битимга келиш имкониятини енгиллаштириш мақсадида Женева конгашида Умумевропа коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш икки этапга бўлинсин, деган таклифни киритди.

Умумевропа хавфсизлик системасида қатнашувчи давлатлар тегишли ҳарбий-сиёсий гуруҳларни тузиш даврида мавжуд шартнома ва битимларга мувофиқ ўз зиммаларига олган мажбуриятлардан биринчи давр мобайнида халос бўлмаган бўлур эдилар. Аммо улар қуролни кўч қўлланиш ўзларини тийиб туриш ва улар ўртасида рўйбериши мумкин бўлган барча жанжалларни тинч йўллар билан ҳал этиш мажбурияти билан боғланган бўлур эдилар. Мазкур хавфсизлик системаси қатнашчиларининг ана шу мажбуриятни қабул қилиши Европада тинчликка хавф туғдираоладиган аҳволнинг вужудга келишига йўл қўймасликдан иборат вазифага мувофиқ бўлажагини тушуниш қийин эмас.

Иккинчи давр давомида давлатлар Европада коллектив хавфсизлик системаси билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни тўла ҳажмда ўз зиммаларига олган бўлур эдилар. Шу билан бирга Шимолий Атлантик шартномаси ва Париж битимлари ҳам, «Париж битимлари»га жавобан саккиз давлатнинг вужудга келган Варшава шартномаси ҳам айни вақтда ўз кучини тамомила йўқотган бўлур эди.

Шартномада коллектив хавфсизлик системасида қатнашучи давлатлардан бирортасининг фикрича, Европада шартномада қатнашучи давлатлардан бирига ёки бирнечасига қуролли ҳужум хавфи пайдо бўлган ҳар сафар бундай хавфни йўқотиш учун зарур самарали тадбирлар кўриш мақсадида ана шу давлатлар ўртасида тегишли консультация ўтказишни кўзда тутишни ҳам таклиф этдик. Шартномада қатнашучи давлатларнинг бирига ёки бирнечтасига бирон давлат томонидан ёки давлатлар группаси томонидан қуролли ҳужум қилинган тақдирда, ана шу таклифга мувофиқ, бу ҳужум шартноманинг барча қатнашчиларига қилинган ҳужум деб қаралади.

Умумевропа хавфсизлик системасини бирданига эмас, балки икки этапда вужудга келтириш тўғрисидаги таклиф ҳозирги вақтда Европада ҳарбий гуруҳлар борлиги сабабли илгари сурилади. Бу таклиф Европадаги барча халқларни ва Европадан бошқа жойлардаги халқларни ҳам роят қаноатлантираётган Европа хавфсизлиги каби муҳим проблема юзасидан бир битимга келишда мавжуд қийинчиликларни бартараф қилиш имкониятини енгиллаштиришни кўзда тутади. Аммо бу таклиф Умумевропа хавфсизлик системасини муайян муддатда шундай мустаҳкамлашни кўзда туталикки, бу система вужудга келган иккинчи этапда Европада ҳозир мавжуд бўлган ҳарбий гуруҳлар тугатилиши керак, тинчликни ва Умумевропа хавфсизлигини та'минлаш иши эса Европадаги барча халқларнинг умумий иши бўлиб қолиши керак.

Совет ҳукумати Европа хавфсизлиги масаласи юзасидан Женева конгаши қатнашчилари томонидан айтилган мулоҳазаларга, жумладан, Буюк Британия бош министри Иден жаноблари нинг мулоҳазаларига катта эътибор бериб келди. Ана шу мулоҳазалар ҳозирги вақтда қуролсизланиш комиссиясида муҳокама қилинмоқда. Совет ҳукумати ўз таклифлари асосида, шунингдек Женева конгашида Европа хавфсизлиги масалалари юзасидан конгашнинг бошқа қатнашчилари томонидан айтилган конструктив мулоҳазалар асосида ана шу муҳим проблемани Европадаги барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган тарзда ҳал этиш йўли топилади, деб умид қилганлигини билдиради.

Бу масала юзасидан битимга келиш Европадаги вазиятни ҳам тубдан ўзгартиб юборган бўлур эди. Европадаги вазият кейинги бирнеча йил мобайнида тобора кескинлашди.

Шу йил тузилган Париж битимлари Европадаги вазиятни кескинлаштиришда жуда катта роль ўйнади. Париж битимлари Ғарбий Германияни ремилитаризация қилишни ва уни Ғарбдаги ба'зи давлатларнинг ҳарбий блокларига қўшишни кўзда тутади. Шу билан бирга Париж битимлари Германиянинг бирлигини қайтадан тиклаш йўлида жиддий қийинчиликлар вужудга келтирди.

Умумевропа хавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши Германия проблемасини ҳал этиш учун, шу жумладан Германиянинг бирлигини қайтадан тиклаш вазифасини ҳал этиш учун янада қулай шароит вужудга келтиришга ёрдам берган бўлур эди ,чунки Умумевропа хавфсизлик системасини вужудга келтирмай туриб, Европа янги урушнинг потенциал ўчоғига айланиб кетадими, ёки у тинчлик ҳамда халқлар хавфсизлиги қал'аси бўлиб қоладими, деган масалани э'тиборга олмай туриб бу проблемани ҳал этиш мумкин эмас.

Ма'лумки, 13 сентябрьда, я'ни бундан атиги 10 кун муқаддам нормал дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида Совет Иттифоқи билан Германия Федерал Республикаси (Ғарбий Германия) ўртасида битим тузилди. Эндиликда СССР Германия Демократик Республикаси билангина эмас, балки Германия Федерал Республикаси билан ҳам дипломатия мўносабатларида ва бошқа муносабатларда бўлади. Бу эса бутун Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам беради. Бинобарин, СССР билан ГФР ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг нормаллаштирилганлиги совет ва герман халқлари ўртасидаги муносабатларни бундан буён ҳам яхшилашга ёрдам беради ва тинчликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Шу муносабат билан кейинги кунларда Москвада Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида тузилган янги битимлар тўғрисида ҳам гапириб ўтиш зарур. Бу битимлар тенгҳуқуқлилик, бир-бирларининг суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик асосида Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги яқин ҳамкорликни янада ривожлантириш ва дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Умуман Германия масаласига келганда шуни айтиш керакки, ҳозирги шароитда бу проблемани Умумевропа хавфсизлик системасини вужудга келтириш йўли билан ҳал этиш мумкин эканлиги юқорида айтилган гаплардан ма'лум.

IV. Узоқ Шарқда ва Осиёда ҳал қилинмаган проблемалар

Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги аҳвол ҳам Бош Ассамблеянинг э'тиборини тортмаслиги мумкин эмас. Ҳал қилиниши лозим бўлган халқаро проблемалар орасида Осиё ва Узоқ Шарқ проблемалари айниқса кескинлашиб бўлмайдиган проблемалардир.

Шу муносабат билан, аввало Тайвань масаласининг аҳамиятини уқириб ўтиш зарур. Азалги Хитой территорияси бўлган бу орол ҳали ҳам Хитой Халқ Республикаси билан қайта қўшилгани йўқ, бу эса Узоқ Шарқдаги умумий вазиятни нормаллаштиришга жиддий тўсиқ бўлиб турипти. Тайвань районида вужудга келган аҳволнинг сабаблари тўғрисида муфассал гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки бу сабаблар яхши ма'лумдир. Агар вазиятга тўғри баҳо берилаётган бўлса, Тайваньни, шунингдек Хитой қирғоғи бўйидаги бошқа оролларни Хитой Халқ Республикаси билан қайта қўшишга халқият бераётган тўсиқлар олиб ташланиши лозим ва бу тўсиқлар қанчалик тез олиб ташланса, шу қадар яхши бўлади, деган хулосага келмаслик мумкин эмас.

Биз ҳаммамиз Хитой Халқ Республикасининг ташаббуси билан Женевада олиб борилаётган Хитой-Америка музокараларига аҳамият бермоқдамиз, деб ўйламоқ керак. Бу музокаралар Америка Қўшма Штатлари билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш ишида ижобий роль ўйнайди, деб умид қиламиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш масаласини кечиктирмай ҳал қилиш зарурлиги тўғрисида бу ерда гапириб ўтилди. Биз бунга қарши айтилган далилсиз важларни ҳам эшитдик. Аслини олганда, муайян четэл доиралари Хитойда ўзлари хоҳлаганларича хўжайинлик қилган вақтларда Хитой қайҳолатда бўлса, ҳозир ҳам Хитойнинг шундай ҳолатда бўлишини истаётган кимсалар Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқларини тиклашга қарши э'тироз билдирмоқдалар. Лекин ўша вақтда хитой халқи ўз мамлакатида хўжайин эмас эди, балки зулм остида эзилиб ётган халқ эди. Бунақа вақтлар абадий йўқолиб кетганлигини э'тироф қилиш пайти келди. Бунга, халқларнинг озодлиги ва миллий мустақиллигига тарафдор кишиларнинг ҳаммаси фақат қувонишлари мумкин.

Шу нарса роят муҳимдирки, улуг хитой халқи Хитой Коммунистик партиясини ўзининг раҳбари деб билганидан кейингина, Хитой ўз қанотларини бемалол ростлаб олди ва тараққиётнинг қуёш нури ёритиб турган кенг йўлига чиқиб олди. Бошқа ҳамма нарсалардан қат'и назар, мана шунинг ўзи бу ерда гапирилган проблемани, коммунизм проблемасини тасвирлаб кўрсатучи яхши мисол ҳамдир. Лекин фақат шунгагина асосланиб, бундан буён ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқларини тиклашга тўсқинлик қилинадиган бўлса, бу нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўйига ҳам, унинг шу қадар керакли ишига ҳам путур етказади.

Биз шуни ҳам унутишимиз мумкин эмаски, гарчи Кореяда уруш тўхтаган бўлсада, аммо Корея масаласи ҳали тўла равишда ҳал қилингани йўқ. Бу эса, манфаатдор давлатлар Корея масаласини узил-кесил тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятини топмоқ учун куч ва ғайратларини сарф қилишлари лозимлигини кўрсатади. Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида алоқа боғлаш ва бу алоқаларни ривожлантириш, Кореянинг бирлигини тиклаш тўғрисида кейинчалик битимга келиш мақсадида, уларни бир-бирига яқинлаштириш, ҳозирги шароитда Корея масаласини ҳал қилиш ишида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлур эди. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумати мамлакатнинг Шимоли билан Жанубий ўртасида амалий ва маданий алоқалар ўрнатиш тўғрисида неча марталаб конкрет таклифлар қилди. Афсуски, бу нарсага Жанубий Корея ҳукумати бошқача тарзда қарамоқда, у Корея Халқ-Демократик Республикасига қарши агрессив тадбирлар тайёрлаётганлигини яширмаётир. Албатта Жанубий Корея ҳукуматининг бу тахлитдаги позицияси Корея масаласини ҳал қилмоқ учун жиддий тўсқин бўлмаслиги мумкин эмас, биз буни четлаб ўтолмаймиз.

Ҳинди-Хитойдаги аҳвол масаласи ҳам ҳанузгача узил-кесил ҳал қилингани йўқ. Вьетнам, Лаос ва Камбоджа тўғрисида Женевада тузилган ва Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатишга олиб келган битимлар Ҳинди-Хитой халқларининг эркин ва мустақил яшаш йўлидаги ҳеч шубҳасиз қонуний миллий ҳуқуқларини э'тироф қилиш асосида, бу райондаги аҳволни ҳал қилиш йўлларини белгилаб берди. Вьетнам, Лаос ва Камбоджа тўғрисидаги Женева битимларининг асосий моддалари, гарчи тўсқинларга учраб бўлса ҳам, умуман бажарилмоқда. Бироқ, шуни айтмоқ керакки, мазкур битимлардан келиб чиқадиган муҳим сиёсий проблемаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши учун лозим бўлган ишларнинг ҳаммаси ҳали тўла равишда қилингани йўқ. Ма'лумки, Вьетнамда ялпи сайловлар ўтказиш масаласида Женева битимида кўзда тутилган консультациялар ҳанузгача бошлангани йўқ. Бунга Жанубий Вьетнам ҳукумат ма'мурларининг позицияси дангал тўсқинлик қилмоқда, улар Женева битимларини бажаришдан бўйин товламоқдалар ва шу консультациялардан ҳанузгача бош тортмоқдалар.

Ҳинди-Хитой тўғрисидаги Женева битимларининг бажарилиши учун зарур чоралар кўрилаётган ва Шимолий Вьетнам билан Жанубий Вьетнам ҳукуматларининг вакиллари ўртасида ўтказиладиган консультацияларнинг бузилишига йўл қўйилмайди, деб кутишга ҳақлимиз. Бу нарса умумвьетнам сайловларини белгиланган муддатда ўтказмоқ учун зарурдир, бу эса Вьетнамнинг миллий бирлигини тиклаб, мамлакатни бирлаштириш имкониятини беради.

Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги аҳвол тўғрисида айтилган гаплар, албатта, шу район халқларини қаяжонлантиралиган проблемаларнинг ҳаммасини ўз ичига олмайди. Шу районда тинчликни сақлаб туришга тааллуқли бўлган ва шу район халқларининг ўз миллий мустақиллиги ва хавфсизлиги учун олиб бораётган кураши билан боғлиқ бўлган бошқа бир талай муҳим проблемалар бор.

Бу проблемалар Бандунгдаги конференцияда кўриб чиқилган эди. Бу конференцияда Осиё ва Африканинг 29 давлати қатнашди ва Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Индонезия сингари давлатлар айниқса катта роль ўйнадилар. Бандунг конференциясининг чақирилиши, ўз миллий мустақиллиги учун, тинчлик ва эркинлик учун курашаётган Шарқ халқлари улуг ҳаракатга келганликларини кўрсатучи катта тарихий воқиадир. Бу конференцияда давлат ва ижтимоий тузумлари турлича бўлган мамлакатлар қатнашди. Конференция қатнашчиларининг ба'зилари ўз миллий манфаатларига ёт бўлган ба'зи ҳарбий гуруҳларга тортилганликларига қарамай, Бандунг конференцияси умумий тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда қарам халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини ривожлантирмоқ учун муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган қарорларни якдиллик билан қабул қилди.

Ҳиндистон ўз мустақиллигига эришиб, Бирма бош министри У Ну жаноблари томонидан ва Осиё мамлакатларидаги бошқа бирқанча сиёсий арбоблар томонидан қўллаб-қувватланди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лайнинг халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида қилган баёноти ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтиш зарур. Бу баёнотда Осиё ва Узоқ Шарқ проблемаларини кўриб чиқмоқ учун мазкур конференцияни чақириш идеяси қўллаб-қувватланилди ва Осиё ҳамда Тинч океан районидаги мамлакатлар, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари ҳам шу районда коллектив тинчлик пакти тузиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келурлар, деб умид билдирилди. Мана шундай коллектив тинчлик пактидан Осиё халқлари ҳақиқатан ҳам манфаатдордирлар, аммо СЕАТО деб аталган пактлар сингари ҳарбий блоклар Осиё ва Узоқ Шарқ халқларининг хавфсизлигига тўғридан-тўғри хавф солмоқда, уларнинг миллий мустақиллигига таҳдид қилмоқда.

Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги ҳал этилмаган проблемаларни ҳал қилиш бутун халқаро вазиятга катта ижобий та'сир ўтказган бўлур эди.

V. Бирлашган миллатлар Ташкилоти ва халқаро кескинликни янада юмшатиш вазифалари

Ҳозирги шароитда халқаро муносабатлардаги кескинликни янада юмшатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотига алоҳида мас'улият юклатилган. Бу ташкилот давлатлар ўртасида яхши ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни та'минлашга ёрдам бериш учун мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланолади ва фойдаланиши керак.

БМТ Устави бу ташкилотга киручи мамлакатлар «келажак авлодни биз яшаб турган даврда инсониятни бениҳоя қатиқ кулфатларга икки марта дучор қилган уруш фалокатларидан қутқазишга қат'ий қарор бергандирлар» деган сўзлар билан бошланади. Бу Устав Бирлашган Миллатлар Ташкилотига иштимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг а'зо бўлиб киришини ва ана шу халқаро ташкилот улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ва уларнинг тотув яшашига ёрдам беришни лозим эканлигини назарга олиб қабул қилинган эди.

Ўтган ўн йил ичидаги воқиаларнинг бориши БМТ Уставига асос қилиб олинган прогрессив принциплар ҳаётий принциплар эканлигини тўла тасдиқлади. Бу принциплар халқларнинг озодлиги ва миллий мустақиллиги манфаатларига жавоб беради ва шу билан бирга тинчликни ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади. БМТнинг амалий ишидаги у ёки бу камчиликлар қарқанча катта бўлганида ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принциплари тинчликка, эркинликка ва прогрессга интилаётган барча халқлар томонидан э'тироф этилди.

Бош Ассамблея ҳозирги сессияда Уставни қайтадан кўриб чиқиш масаласини муҳокама қилиш учун БМТга а'зо бўлган давлатларнинг бош конференциясини чақириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши керак.

Совет Иттифоқи БМТ Уставини қайтадан кўриб чиқиш учун асос йўқ, деган фикрдадир. Устав ҳозирги ҳолатида умумий тинчликни мустаҳкамлаш ва сиёсий, иқтисодий соҳада ҳамда бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш вазифаларига тўла жавоб беради. Уставнинг асосий қоидаларини ўзгартиришни кўзда тутиб, уни қайтадан кўриб чиқиш давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишончни мустаҳкамлашга ёрдам бериш ўрнда турсин, балки бу мақсадга эришишни ҳам қийинлаштирган бўлур эди.

БМТ Уставини ишлаб чиқиш нечоғлик қийин ва мураккаб иш бўлганлиги ҳаммамизга ма'лум. Биз бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пойдеворини қуриш вақтида жуда катта роль ўйнаган АҚШ президенти Франклин Рузвельтнинг номини эсга олиб ўтишимиз керак. БМТ Уставини тайёрлаш процессида, айниқса Сан-Францискода 1945 йилда бўлиб ўтган конференцияда асосий вазифага, я'ни халқлар ўртасида тинчликни сақлаш вазифаларига жавоб берадиган ва айни вақтда БМТга а'зо бўлган мамлакатлардаги давлат ва ижтимоий тузум формаларининг турлича бўлишига қарамай, ана шу ташкилотда қатнашучи барча давлатлар учун мақбул бўлган Уставни ишлаб чиқиш йўлида зўр бериб ҳаракат қилиш талаб этилган эди. Агар вазиятга об'ектив суратда қараладиган бўлса, Уставнинг ба'зи давлатлар фикрича ўзгартириши лозим бўлган у ёки бу қоидалари юзасидан битимга келиш, бундан ўн йил илгаригига қараганда сра ҳам енгил иш бўлмай, балки эҳтимол янада қийинроқ иш бўлур эди, деган хулосага келмаслик мумкин эмас.

БМТ тузилгандан кейин халқаро вазиятнинг ҳамиша ҳам ана шу Уставнинг мақсадлари ва принципларига мувофиқ суратда ривожланмаганлигига Устав айбли эмас. БМТ га а'зо бўлган давлатлар халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ва халқлар хавфсизлигини та'минлашга чинакам интилганларида, Устав ҳозирги ҳолатида ўз олдига қўйилган талабларига тўла жавоб беради.

Ана шу мулоҳазаларга кўра, Совет ҳукумати Уставни қайтадан кўриб чиқиш учун бош конференция чақиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламайди. Вазифа — Уставни ўзгартишдан иборат бўлмай, балки давлатлар ўртасида ва хусусан Хавфсизлик Кенгашининг доимий а'зоси бўлган давлатлар ўртасида ўзаро келишиб иш кўришга эришишдан иборат. БМТнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасида муваффақиятли иш олиб боришини та'минлаш манфаатлари шуни талаб қилмоқда. Совет ҳукумати шу нарсани аниқ қилиб айтиш зарур деб ҳисоблайди: Кейинги вақтларда БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши бор кучи билан ишламаётганлигини, ўтмишда Хавфсизлик Кенгаши тинчликни сақлашга тааллуқли бўлган муҳим масалалар билан шуғулланиши лозим бўлган бир пайтда, бу органнинг кўп марта четлаб ўтилганлигини назарга олиб, Хавфсизлик Кенгашининг ролини Уставга мувофиқ ошириш зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий гуруҳларини вужудга келтириш йўлизаги ҳарқандай уринишларни рағбатлантирмай ва бундай уринишларни э'тиборсиз қолдирмай, балки ҳартомонлама халқаро ҳамкорликни ва Ғарб ҳамда Шарқ давлатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга актив ёрдам берадиган, тинчликни ва халқаро хавфсизликни чинакам мустаҳкамлашга ёрдам берадиган халқаро ташкилот бўлиб қолиши зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги а'золар қабул қилиш соҳасидаги ишлар мутлақо кўнгилдагидек эмас. Европа, Осиё ва Африкадаги бирқанча давлатлар БМТга а'зо бўлиб киришни истаётганликларига қарамай ва бу давлатлар БМТ а'золари олдига қўйилган талабларга жавоб беришларига қарамай, улар ана шу халқаро ташкилотдан ҳали ҳам четда қолмоқдалар, бу ташкилотнинг ишларида қатнашмаётирлар. Бу ерда ба'зи давлатларни камситишга ҳали ҳам зўр бериб ҳаракат қилмоқдаларки, бу уларнинг ташкилот ишида қатнашувига ҳалақит бермоқда. Бундай адолатсизликка хотима бериш керак.

Совет Иттифоқи БМТга янги а'золар қабул қилиш тўғрисидаги масалани дарҳол ҳал этиш тарафдоридир. Шунга биноан, совет делегацияси ташкилотга кириш учун ариза берган 16 давлатнинг БМТга бир вақтда қабул қилинишини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдиради.

Биз шунга аминмизки, янги а'золарни қабул қилиш тўғрисидаги масаланинг шу тарзда ҳал этилиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг манфаатларига тўла жавоб беради. 16 янги давлатни БМТга қабул қилиш тўғрисидаги масалани ижобий ҳал қилиш, ана шу давлатларнинг ҳаққоний талабларигагина эмас, балки тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига ҳам мувофиқдир.

Жаноб делегатлар,

Ҳаммамизга шу нарса аёнки, дун'ё халқлари халқаро кескинликни юмшатиш йўллари белгиланганлигидан роят мамнун бўлдилар. Кейинги вақтлардаги воқиалар, хусусан ҳукуматлар Бошлиқларининг Женева конгаши, шунингдек Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунгда бўлиб ўтган биринчи конференцияси бу соҳада катта имкониятлар очиб беради.

Ана шу олижаноб мақсадларга эришиш учун бутун чоралар билан ёрдам бериш, барча соҳаларда — сиёсий ва иқтисодий соҳада, маданият ва фан соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам бериш — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бевосита бурчидир.

Ҳозирги вақтда ҳам «совуқ муносабатлар уруши»ни давом эттиришни кўзда тутган гаплар эшитилаётганлигига э'тибор қилмай бўлмайди. Ҳозирги вақтда ҳам шундай муайян доиралар борки, уларнинг қора ниятлари ва агрессив мақсадлари ер юзининг турли қисмларида ҳарбий гуруҳларни вужудга келтириш ва кенгайтириш планларини кўзда тутади. Улар ҳарбий бюджетларнинг, ҳарбий заказларнинг ва ҳарбий тайёргарликнинг қисқартирилишига ҳарқандай йўллар билан халақит бериб, бошқа давлатларга нисбатан дўқ қилиш ва тазйиқ кўрсатиш сиёсатини тарғиб этмоқдалар. Ҳатто, Женева конгаши ва унинг натижалари ана шундай сиёсатнинг оқибати бўлди, деб да'во қилишга ҳам уринмоқдалар. Аммо, фактлар ўжар бир нарса, деб айтадилар. Фактлар шуни кўрсатадики, Женева конгашининг ижобий оқибатини қилични ялонғочлаш ва дўқ қилиш ҳал этгани йўқ. Женева конгашининг шундай оқибат бан тамом бўлганлиги, халқларнинг тинчликка бўлган иродасини ва барча Конгаш қатнашчиларининг ҳали ҳал этилмаган халқаро проблемаларни ҳал этишга бошқача йўл билан, кўпроқ ўзаро келишиш йўли билан қарашга интилганликларини ифода этди.

Ҳал этиш пайти келган халқаро проблемаларни ҳал этиш зарурлигини англаш ва «совуқ муносабатлар уруши»ни авж олдиришга эмас, балки мамлакатлар ўртасидаги ишончни, шу жумладан уларнинг раҳбар давлат арбоблари ўртасида бўлган муносабатларни ишончни мустаҳкамлашга олиб борадиган тарзда ана шу проблемаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топиш — Женева конгаши учун характерли бўлди ва бу нарса ўзининг ижобий натижаларини берди.

Ҳал этилмаган проблемалар юзасидан давлатлар ўртасида олиб бориладиган музокараларда ҳам, БМТда муҳокама қилинаётган ва тинчлик иши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларда ҳам янада муваффақият қозониш учун бундан буён ҳам худди ана шу йўлдан бориш зарур. Шундай қилгандагина тинч ва осойишта ҳаётга ташна бўлган халқларнинг орзу-тилакларига мувофиқ иш кўрилади.

VI. Совет Иттифоқи делегациясининг таклифи

Провардида, Совет делегацияси қуйидаги резолюция проектини Бош Ассамблеянинг муҳокамасига тақдим этади:

«Халқаро кескинликни янада юмшатиш ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида

Бош Ассамблея давлатларнинг халқаро кескинликни юмшатиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлида айниқса кейинги вақтларда зўр бериб қилган ишларини қониқиш билан та'кидлайди. Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева конгаши, Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунг конференцияси, шунингдек давлатларнинг раҳбар арбоблари ўртасидаги алоқаларнинг кучайганлиги бу жиҳатлан, алоҳида, катта аҳамиятга эгадир.

Бош Ассамблея ҳукуматларни умумий тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ана шу ишларни давом эттиришга, давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш ва ишончни мустаҳкамлашга эришишга чақиради.

Бош Ассамблея давлатларнинг зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ва ҳал этилмаган халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишга қаратилган таклифларини қараб чиқишга, Совет ҳукуматининг қурол-яроғларни камайтириш, атом қуролини тақиқлаш ва янги уруш хавфини йўқотиш масалаларини юзасидан шу йил 10 май ва 21 июльда киритган таклифларини, Америка Қўшма Штатларининг қуролсизланиш ҳақида АҚШ президенти томонидан шу йил 21 июльда илгари сурилган таклифларини амалга оширишнинг умумий планн тўғрисидаги таклифини, Буюк Британиянинг ва Францияниг Женевада киритган таклифларини, шунингдек бошқа давлатларнинг тегишли таклифларини қараб чиқишга муҳим аҳамият беради.

Бош Ассамблея янги уруш хавфини йўқотишни, хавфсизликни ва истиқболга ишонч билан қарашни та'минлашни, бутун дун'ё халқларининг тинч ва осойишта яшаши учун шароит вужудга келтиришни ўзининг асосий вазифалари деб ҳисоблаб, бу таклифларни ва киритилиши мумкин бўлган бошқа таклифларни қараб чиқади».

СССР делегацияси Бош Ассамблеянинг бошқа қатнашчилари ана шу резолюция проектини тегишинча қўллаб-қувватлайдилар ва умуман бу сессия самарали бўлади, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва умумий тинчликни ҳамда халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга интилиш руҳида ўтади, деб умид қилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Мада ният бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 01724. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А — 1514.